ҲОСИЛДОРЛИК ГАРОВИ

Конституциямизда миллий бойлигимиз бўлган ердан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва ер давлат муҳофазасида эканлиги алоҳида қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам ер инсонни боқади. Шунинг учун ундан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

7 бет

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, табиий ҳуқуқларидан бири — меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўла кафолатлаб қўйилган.

10 бет

Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2010-yil 8-iyul, №27 (704)

Бош прокуратурада

Идораларо комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий идораларо комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Муҳокамада қайд этилган ҳудудий идораларо комиссиялари томонидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид остига олинди.

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи барча мансабдор шахсларга ўз йўналиши бўйича соҳага доир тадбирларнинг бажарилишини жадаллаштириш ва такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, йиғилиш иштирокчиларининг эътибори кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига қаратилди.

Шунингдек, фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жадаллаштириш ва одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиянинг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чоратадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Республика Идораларо комиссияси ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши натижасига кўра қабул қилинган қарор ижро учун комиссия аъзоларига ва жойларга юборилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси

Амалий ҳамкорлик ришталари

Германия Федератив Республикасининг Адлия вазирлиги ҳузуридаги ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорлик жамғармасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва Олий суд ходимларидан иборат Ўзбекистон делегацияси шу йилнинг 28 июнидан 3 июлига қадар Германия Федератив Республикасида бўлиб қайтишди.

Ташрифдан кўзланган мақсад ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илмий-амалий тажриба алмашиш, Адлия, прокуратура ва суд кадрларини тайёрлаш тизими билан танишиш ҳамда бу соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Ташриф доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судида, Германия ҳуқуқ академиясида, Европа ҳуқуқ академиясида, Триер университети ва Райнланд-Пфальц ери адлия вазирлигида учрашувлар бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган демократик ўзгаришлар, хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонуннинг амалга оширилиши ва Республикамизнинг ҳуқуқ тизимига Ярашув ва Ҳабеяс-Корпус институтларининг киритилиши тажрибаси кўриб чиқилди.

/Давоми 7-бетда/

Маънавияти буюк халқ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига эътибор бериш энг асосий вазифалардан бирига айланди. Жамият ҳаёти, тараққиётининг омиллари масаласига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси маънавият билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрамиз.

Шуҳрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида тассурот уйғотмоқда. Бундай таъриф, менимча, кўп томондан масаланинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас.

Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак - бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши — табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда - эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши аримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир



оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўтган йиллар давомида дунёда ва минтақамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривожи бу ҳулосанинг тўғри эканини қайта-қайта исботламоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Бинобарин, биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

/Давоми 3-бетда/

Қоғозда бору, амалда йўқ

Ҳикмат АБДУЛЛАЕВ,
Гурлан туман прокурори

Баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни келгусида масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида улғайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада мамлакатимизда кенг миқёсдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг муносиб тарзда таълим ва тарбия олишлари, замонавий ҳунарлар эгалари — етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароит тайёрланган.

Бола бошидан деганларидек, ёш авлоднинг таълим-тарбияси аввало оиладан, кейин эса мактабгача таълим муассасаларидан бошланади. Бугунги кунда ушбу муассасаларни қуриш, мавжудларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш ва албатта, тарбиячиларнинг моддий манфаатдорлигини кўтариб, меҳнатларини доимий равишда рағбатлантириб бориш механизми яратилди.

Аммо гуруч курмаксиз бўлмас, деганларидек мактабгача таълим муассасаларининг айрим раҳбарлари - "боғча опа"ларимиз томонидан содир этилаётган жиноий ҳаракатлар кишини ўйлантиради. Элга маънавият улашиб, ўрнак бўлиш ўрнига нафс домига илиниб, суднинг қора курсисига ўтираётган боғча опаларнинг хатосидан бошқалар зарур хулоса чиқариб олар, деган муддаода ушбуларни баён этишга қарор қилдик.

Фотима Ибодуллаева туман халқ таълими бўлимига қарашли 29-сон мактабгача таълим муассасасида 2006 йил сентябрь ойидан буён мудира вазифасида ишлаб келган. Масъул мансабдор шахс бўлишига қарамасдан ўзига ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларини қасддан содир қилган.

2008 йилнинг бошларида А.Мадиримов боғча опага учрашиб, нафақага чиққанида иш стажи бўлиши учун номини ведомостга киритиб қўйишни илтимос қилади. Бу кутилмаган таклиф опага ҳам маъқул тушади. Ўзи илтимос қилаяпти, росмана юритиб қўйиб, ойлигини олаверамаи, деган хулосага келади. А.Мадиримов тезда "ўт ёқар" сифатида расмийлаштирилади. Унга 2008 йилнинг апрель ойидан 2009 йилнинг сентябригача 553510 сўм ойлик маош ёзилади. Пулларни эса опа жимжимадор имзолар қўйиб олгач, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

Одатда мактабгача таълим муассасаларида байрамлар жуда кўтаринки руҳда нишонланади. Мусиқасиз байрам байрамга ўхшармиди. Опа бу борада ҳам топқирлигини намоён этади. Мактабда мусиқа фанидан дарс бераётган Тоҳир Мадиримовни чақириб, мусиқачи сифатида ишга олишини айтади. Тоҳир вақти йўқлигини, ойига икки-уч кун келиб кетиши мумкинлигини билдиради. Ф.Ибодуллаева унга ҳар ой келиш шарт эмаслигини, фақат байрамлар арафасида бир-икки кун кўриниш беришнинг ўзи кифоялиги айтиб, ҳужжатларини олиб қолади. Шу тариқа 2009 йил март ва август ойлари учун маошни мусиқачига бериб, қолганини эса ўзлаштириб юборади.

Судда Л.Юсупова боғча опа билан бир маҳаллада яшашини, 2009 йил сентябрь ойидан буён муассасада "ҳовли тозаловчи" бўлиб ишлаб, ойлик маошини ўзи олаётганлигини айтган. Лекин ундан олдинги давр учун ойлик олмагани, ведомостга ҳам ким имзо қўйганидан бехабар эканлигини билдирган.

Бундан ташқари, боғча опа ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган Марямжон Давлетованинг ҳужжатларини олиб, тарбиячи сифатида расмийлаштиради. Унга ҳам иш ҳақи ёзиб, пулларни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборади. Судда гувоҳ тариқасида иштирок этган М.Давлетова ҳужжатларининг нусхасини берганини, аммо унинг номига иш ҳақи ёзилганидан бехабар эканини билдирди.

Шу тариқа "ишбилармон" боғча опа 2008-2009 йиллар мобайнида А.Мадиримов, Т.Мадиримов, Л.Юсупова ва М.Давлетоваларга таълим муассасасида ишламаган бўлсалар-да, "ишлади" деб кўрсатиб, тўлов ведомостларига уларнинг ўрнига ўзи имзо қўйиб келган. Расмий ҳужжатларга била туриб, такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали 2251182 сўм пулни ўзлаштириб, давлат манфаатларига анча миқдорда зарар етказган. Айни пайтда, мансаб сохтакорлиги жиноятини қасддан содир қилган Ф.Ибодуллаева суднинг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура аралашуви билан

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Дунёдаги аксарият ривожланган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тадбиркорлик субъектларининг муносиб ўрни бор. Юртимизда ҳам бу борада етарлича шарт-шароитлар ва кенг кўламли чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ўз навбатида тадбиркорларнинг янада эркин фаолият олиб боришларига катта туртки бўлаётир. Аммо айрим ташкилот ва мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектларига совуққонлик билан муносабатда бўлишлари, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасида турли сарсонгарчиликларга йўл қўйиб келишаётгани ачинарли ҳол, албатта. Мисол учун, вилоят прокуратураси томонидан Қува туманидаги "Фарғона тонги" хусусий корхонаси раҳбари М.Холматованинг "Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма" маблағлари ҳисобидан кредит ажратиб бериш юзасидан ОАТБ "Микрокредитбанк" Фарғона вилоят филиалига ёзган мурожаати ўрганилганда қўплаб қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. М.Холматова тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида тикув машиналари сотиб олиш учун "Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма" маблағларидан 2 йил муддатга 12 млн. сўм миқдорида кредит ажратилиши ҳақида банкнинг Қува минибанкига 2009 йил 20 июлда буюртма беради. Бироқ берилган буюртма 20 июлда эмас, уч ой ўтгандан сўнг, 16 ноябрда банкнинг "рўйхатга олиш китоби"га 39-рақам билан қайд этилган.

Юқоридаги ҳолат Республика Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 декабрда тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бузилганлигини кўрсатди. Шу билан бирга ўтган даврда хусусий корхона билан банкнинг Республика бошқаруви ўртасида кредит таъминоти учун қўйилаётган гаров масаласида келишувга эришилмаганлиги натижасида кредит ажратиш лойиҳаси бир неча марта қолдирилган.

Жорий йилнинг 18 февраль куни банкнинг Республика бошқарувида хусусий корхонанинг лойиҳаси қайтадан кўриб чиқилиб, кредит ажратиш ҳақидаги лойиҳани молиялаштириш тавсия этилган ва вилоят прокуратурасининг аралашуви билан корхонага йиллик 6,3 фоиз миқдорида кредит ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Ажратилган кредит ҳисобидан корхона 2010 йилнинг 26 февралида Тошкент шаҳридаги "Реал Люкс Сервис " МЧЖдан 11 млн. 880 минг сўмлик тикув дастгоҳлари сотиб олди. Натижада Қува туманидаги 60 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Шунингдек, банк мансабдор шахслари томонидан юқоридаги ҳолатда кредит ҳужжатларини расмийлаштириш ва кўриб чиқишда тегишли тартиблар бузилганлиги сабабли улар интизомий жавобгарликка тортилди.

Банкка қўл солган банкир

ёхуд «Микрокредитбанк»нинг Шофиркон филиалидаги қинғирликлар хусусида

Комилжон ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси
Моҳира ШАКАРОВА, журналист

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси шубҳасиз, раҳбар кадрларнинг салоҳияти, билими, лавозим "юк"ини тортa олишига бевосита боғлиқ. Янгича фикрлайдиган, ташаббускор, жамоани ўзига эргаштира оладиган, асосийси эса умумманфаатини шахсий манфаатидан устун қўя биладиган раҳбар эл-юрт олдида ҳурматга сазовор бўлади.

Норбой Тойировга ишонч билдирилиб, 2006 йилда "Микрокредитбанк"нинг Шофиркон туман филиали бошқарувчиси лавозими топширилди. Аммо у мансаб курсисини эгаллагач, ишни атрофига "ишончли" кишиларни йиғишдан ва нафсига эрк беришдан бошлади. Банкнинг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган Шароф Ғадоев қилаётган иши қонунга хилоф эканлигини била туриб, бошлиқ қай томонга бошласа, ўша томонга йўрғалади ва жиноий шеригка айланди.

Давлат манфаатларига, банкка зарар бўлса-да, "Зарчабек Омад", "Салидаго Фарм", "Читкарон оқшоми" каби хусусий корхоналар раҳбарлари солиқ инспекцияси томонидан қўйилган инкасса талабномаларини тегишли тартибда банкка киритиб қилиб, ижросини таъминлашларини банк мутасаддилари "назардан четда қолдиришди". "Кетса давлатдан кетди-да" қабилида иш кўрилди. Натижада АТБ "Микрокредитбанк" филиалига 3 миллион 715 минг 700 сўм зарар етказилди.

Банкни даромад манбаига айлантирган Норбой Тойиров 2008 йилнинг 17 октябрида Шофиркон туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан "Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш фаолияти билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркор" сифатида рўйхатдан ўтган Ҳафизхон Норбоев билан жиноий тил бириктиради. Ҳ.Норбоевнинг фаолиятини норасмий равишда Н.Тойиров юритадиган бўлди. Ягона солиқ тўловларидан 41 миллион 11 минг 400 сўмлик қарзларни тўлаш имконияти бўлса ҳам ушбу мажбуриятдан бўйин товлаган Ҳ.Норбоев "суянган тоғи"га ишонди.

Жиноий гуруҳ якка тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад ҳисобидан бир қатор тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам тариқасида ўтказган ҳолда банк хазинасидан жами 601 миллион 800 минг сўмлик нақд пул маблағларини олиб, ўзлаштирди.

Жиноий фаолиятдан қолган жами 683 миллион 167 минг 900 сўм пул Норбой Тойировнинг иштаҳасини очиб, янги иқтисодий жиноятлар эшигини ланг очди.

Жумладан, Ҳ.Норбоевнинг АТБ "Микрокредитбанк"нинг Шофиркон туман филиалидаги ҳисоб рақами орқали 2008 йилнинг октябридан 2009 йил апрель ойига қадар 834 миллион 559 минг сўмлик улгуржи товар айланмалари амалга оширилди. Маҳсулотлар сотувидан тушган 340 миллион 100 минг сўм Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига зид равишда нафси ҳакалаклар чўнтагига келиб тушди.

Шундан сўнг ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, якка тадбиркор "Норбоев Ҳафизхон" фаолияти билан боғлиқ бухгалтерия ҳужжатларини қасддан йўқотиб, қинғир ишларини яширмоқчи бўлдилар.

Бошлиқ салла деса, каллани кўтариб келадиган, чап юзига урса, ўнг юзини тутиб берадиган ходимлар - банкнинг бош ҳисобчиси Ш.Шадоев, масъул ижрочи Ш.Умуров, хазиначилар Н.Усмонова, Н.Икромова, Д.Рўзиеваларнинг бирортаси ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатини ўйлаб ҳам кўришмади. З.Тейиров, У.Рўзиев, Ҳ.Норбоевлар эса Н.Тойиров қўлидаги жиноий фаолият "мурват"и қайси томонни кўрсатса, ўша томонга бўйинларини эгиб кетаверишди. Албатта, "қуруқ"қа эмас.

Бу галги ўмариш ҳаммасидан ўтиб тушди. 56 та фермер хўжалиги етиштирган пахта ҳосили ҳисобидан келиб тушган 103 миллион 870 минг сўм пул маблағи фермерларга билдирилмай, фермер хўжаликларининг 23220-сонли муваққат ҳисоб рақамларидан асоссиз равишда 23206-сонли банкнинг ички ҳисоб рақамига ўтказиб юборилди. Банк бошқарувчисининг ноқонуний хатти-ҳаракатини банкдагилар билишмадими ёки билсалар ҳам оқибатини кўриш учун томошабин бўлишдими, бу бизга қоронғу. Аммо Норбой Тойировнинг "мушугини пишт" дейдиган киши топилмади.

Ҳисоб рақамларга тушган пулларни нақдлаштириш дейсизми, яқин қариндошлари номига кредит, микролизинг маблағларини ажратиб, уларни ўзлаштириб олиш дейсизми, ишқилиб, банк орқали пул муомаласини ўзининг шахсий даромади томонга буриш борасида Н.Тойиров "профессионал банкир" даражасига кўтарилди.

Ўнлаб фермер хўжаликлари-ю, хусусий корхоналар Норбой Тойировнинг банкдаги ноқонуний фаолияти тегирмонига сув қуйиб турдилар. Миллионлаб маблағлар занжирсимон айланиб, ғайриқонуний молиявий халқа раҳбар билан унинг шерикларининг чўнтакларини қаппайтириб, ўзларини унутишга, қонун талабларига эса қўл силташга олиб келди.

Биз келтирган далиллар банкка қўл солишга ружу қўйган банкирларнинг кирдикорларидан айримларидир. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир нечта моддаларининг тегишли бандлари билан айбли деб топилган Н.Тойиров ҳамда унинг гумаштлари қилмишлари учун қонун олдида жавоб бердилар. Тергов жараёнида давлатга келтирилган зарарнинг 80 фоизи тўланди.

Қонун - адолатнинг пойдевори. Инсоф, диёнат, ҳалоллик бу бинонинг сайқал берилган улуғвор устунларидир. Буларнинг қай бири унутилса ёки путур етса қонун бузилади. Афсуски, нафс бандаларини бу нарса заррача ташвишга солмади.

Маънавияти буюк халқ

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заранини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият - енгилмас куч" номли асарида ёзганидек: "Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Биз учун шундай йўл маъқул, унинг бошқа муқобили йўқ".

Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун ана нималарга таянибсуяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириш табиий.

Тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин.

Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.

Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, туҳмат қилиш каби салбий иллатларга ўрин қолмайди.

Айниқса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун "Эркинлик ва демократияни олга силжитиш" ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади.

Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас.

Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугунги кундаги ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун мисли кўрилмаган кураш ҳаётнинг турли соҳаларида намоён бўлмоқда. Ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган жиддий хатарлардан бири "оммавий маданият"дир. "Оммавий маданият" миллий қадриятларимизга мутлақо зид бўлиб, у инсонни ҳаётдан йироқлаштиради, руҳан қашшоқ ва мутелашувга айлантириб қўяди. "Оммавий маданият" беҳаёлик, зўравонлик, ур-йиқит, фирибгарлик, гиёҳвандлик, майхўрлик каби иллатларни зимдан тарғиб қилади, ҳаётнинг мазмуни шундан иборат, деган заҳарли ғоя томчи-томчилаб ёшларнинг онгига сингдирилади. "Оммавий маданият" ёшларнинг ҳаётини бутунлай заҳарлайди ва уларни ўз тарихи, миллий қадриятлари, ҳатто ота-онасини танимайдиган маҳлуққа айлантиради.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, ила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлаймаганки, хато қилмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, уят ва ор-номусини йўқотган одам, Аҳмад Яссавий бобомиз айтганидек, худдики ҳайвон жинсига айланиб қолади.

Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий масала — ҳар қандай ташқи ғоявий, ахлоқий таъсирга нисбатан ўзига хос "маънавий элак" шакллантиришда. Одамларнинг ўзи ҳар бир ахборотни, ҳар бир янгилик ва билимни ақл тарозусида тортиб, маънавият элагидан ўтказиб, яхшини ёмондан ажратиб олсин. Чунки ташқи ғоявий таъсир фақат ички маънавий қолоқлик, мафкуравий заифлик ботқоғида илдиз отади. Шу боис ҳам маънавиятни пасайтирувчи, инсон емирувчи иллат ва нуқсонларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш муҳим тарбиявий ва мафкуравий вазифа бўлиб қолаверади.

Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастларнинг "даъвати" ҳам, ахлоқодоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Бугун дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган, ер юзида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган иллатлардан бири терроризм, диний экстремизм ва ақидапарастлик эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу ҳол бутун дунёни ташвишга солмоқда. Бизнинг минтақамизда ҳам динни ниқоб қилиб олган экстремистик кучлар ва террорчи тўдалар сохта ғоялар билан ёшларимизни йўлдан оздиришга уринганлари, ҳозир ҳам ғаразли мақсадлари йўлида пана-панада ғимирлаб турганлари маълум.

Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Азал-азалдан очиқ кўнгил, самимий ва меҳнаткаш, яхшиликни юксак қадрлайдиган халқимиз бундай доимо ҳазар қилиб келади. Лекин минг афсуски, умр йўлларида ҳасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиги, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин.

Ўзбек номини, ўзбек илм-фани ва маданиятини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг юксак салоҳиятини, унинг қандай буюк ишларга қодир эканини дунёга намойиш қилишда юртимиз заминидан етишиб чиққан юзлаб улуғ зотлар фидойилик намуналарини кўрсатиб келган. Бундай инсонлар диёримизда ҳозир ҳам кўплаб топилади ва бундан кейин ҳам уларнинг сафлари кенгайиб бораверади. Ҳамма гап ана шундай инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда. Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олижаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қоидасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, маънавий ҳаётимизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу - сотқинликдир. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдай кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам қўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Агар теварак-атрофимиздаги бирорта кишида шундай аломатлар сезилаётган бўлса, уларни дарҳол тарбиямизга олиб, тўғри йўлга бошлашимиз керак.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда: агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди.

Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин?

Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янглишмаган бўламиз. Ирода - бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади.

Армиямизнинг кучига куч қўшадиган қудратли бир восита борки, унинг номи - ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушунишидир. Дарҳақиқат, Амир Темур бобомиз айтганидек "Билаги зўр - бирни йиқар, билими зўр, онги баланд - мингни". Ҳақиқатдан ҳам шу буюк ҳикматга таянган, ўзлигини англаган, аниқ мақсадига эга, миллий ғурури юксак бўлган ҳарбийлар Қуролли Кучларимизнинг энг катта бойлигидир.

Ҳар бир инсон ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шундай фикрларни униб-ўсиб келаётган ёшларнинг онгига сингдириш, уларни ҳаёт синовларига бардошли этиб тайёрлаш бизнинг ота-она, устоз-мураббий, раҳбар-раҳнамо сифатидаги, шу муқаддас юрт фуқароси сифатидаги муқаддас бурчимиздир.

Бу борадаги энг долзарб вазифамиз - юқорида зикр этилган барча жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ёшларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат.

Бунинг учун авваламбор тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши - жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожи ҳақида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Ҳар йилга бевосита ном бериш ва уни шу йилнинг долзарб масалалари қаторига қўйиш маънавиятимизнинг бир кўриниши бўлиб қолди. Юртимизда 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ёш авлодимиз, шунингдек, армиямизнинг ўзагини ташкил этадиган ёш офицерлар, сержантлар ва аскарлар ўртасида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз Қуролли Кучларининг қўмондонлик ва бошлиқлар таркиби зиммасига янги, янада масъулиятли вазифаларни юклайди. Ҳарбий қисм ва муассасаларимизда маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали бўлажак офицерлар қалби ва онгида миллий истиқлол ғоясига асосланган соғлом эътиқод ва дунёқараш асосларини, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур сингдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зотан, маънавий жиҳатдан баркамол шахс давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга бефарқ бўлмайди, балки фаол фуқаро сифатида ҳаракат қилади.

Бугун мунтазам равишда касбий ва маънавий-ахлоқий такомиллашув, юртга садоқат билан хизмат қилиш, Ватанга садоқатли бўлиш ҳар биримизнинг ўй-фикримиз бўлмоғи лозим. Чунки биз - ўз ўзгаришлари, улкан бунёдкорлиги, мардона меҳнати билан дунёни ҳайрон қолдираётган ва инқироз даври давом этаётган бугунги кунда кўплаб халқлар ва ривожланган давлатларга намуна бўлаётган буюк мамлакатмиз.

Бизнинг ижтимоий иқтисодий тараққиётлари мувафақиятларимиз улкан ва шак-шубҳасиз. Аммо бу бепарволик ва бегамликга берилишимизга асос бўлолмайди. Аксинча, Ватанимиз эришган мувафақиятлар билан фахрланар эканмиз, биз доимо давлатимиз раҳбарининг ҳозирги замон шароитларида фақат яхши тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама бутланган ва ижтимоий ҳимоя қилинган Қуролли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, кишилар тинчлиги ва осойишталигининг мустаҳкам таянчи ва ишончли кафолати бўлиши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмаларини ёдда тутмоғимиз зарур.



Саҳифамизда Жиззах вилоят прокуратураси органлари

Тадбиркорлар қонун ҳимоясида

Рамазон ПЎЛАТОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа фаолиятини рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Фахр билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизни иқтисодий ривожлантириш борасида улкан муваффақиятларга эришилди, иқтисодиётнинг жадал сурьатларда ўсиши таъминланмоқда.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётимизнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланади. Шу боис тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий сектор вакиллари фаолиятини ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишда туб бурилиш ясади. Бошқача айтганда, мазкур фармон тадиркорларимизга қанот бўлиб, тараққиётимизга кенг йўл очди. Фармонга асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланади. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлар ва кичик бизнес қатлами вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, самарали фаолият кўрсатишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш прокуратура органларининг ҳам вазифасига айланган.

Вилоятда 21905 та юридик шахслар фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан кичик бизнес субъектлари 19700 тани ташкил этади. Шундан 14273 таси фермер хўжаликлари, 100 таси деҳқон хўжаликлари, 4535 таси микрофирмалар, 792 таси кичик корхоналардир. 3456 нафари якка тартибдаги хусусий тадбиркорлардир. Шунингдек, вилоятда 43 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

2010 йил 1 январь ҳолатига иқтисодиётда банд бўлганлар 370,7 минг нафарни ташкил этади. Шундан кичик бизнес секторида 288,0 минг нафар шахс ишлаб келаётган бўлса, хусусий секторда 273,3 минг нафар, кичик корхона ва микрофирмаларда 81,9 минг нафар шахс фаолият юритмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорликнинг, айниқса, кичик бизнеснинг жадал ривожланишини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг эркин фаолият кўрсатиши йўлидаги ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, ноқонуний аралашувлар ва текширишларнинг олдини олиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний тўсиқлар ва ортиқча бюрократик талаблар бўлмаслигини таъминлаш, тадбиркорларнинг эркин фаолиятига нисбатан ноқонуний аралашувлар ва текширишларни аниқлаш мақсадида "Ишонч телефонлари" ташкил этилган.

"Ишонч телефонлари" орқали келиб тушган мурожаатларнинг Бош прокурорнинг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги 37-сонли буйруғи талаблари асосида қабул қилиниши, рўйхатга олиниши ва қонуний ҳал этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтказилаётган тадбирлар давомида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кўрилмоқда.

Прокуратура органларининг аралашуви билан тадбиркорлик субъектларига 140,0 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиши таъминланди. 1,6 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари ундириб берилди, 83,4 гектар ер майдони қайтарилди. 17,0 миллион сўмлик зарар ундириб берилди.

Назорат-текширув органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳволи ўрганилди. Натижада айрим мутасаддилар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, Дўстлик туман прокуратураси томонидан Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясида текшириш ўтказилди. Таҳлиллар давомида эса қарор талаблари бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хусусан, инспекцияга 2009 йил 30 ноябрь куни мурожаат қилган Ш. Қаршиев томонидан якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш йиғими учун тўланган 67290 сўм нақд пул банк хазинасига кирим қилинмаган. Аксинча, мазкур сумма инспекция бошлиғи Х.Пардаев томонидан ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборилган. Шунингдек, инспекцияда давлат рўйхатига олинган 61 нафар якка тартибдаги тадбиркор ва 4 та юридик шахсни рўйхатдан ўтказишда бадаллар кечиктирилган ҳолда банк хазинасига тўланган.

Текшириш натижасига кўра, қонунбузилиш ҳолатларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилди. Инспекция бошлиғи Х. Пардаев эса моддий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, Мирзачўл туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда "Ўзбекистон" СФУ ҳудудидаги "Нарпай" фермер хўжалигига қарашли 86 гектар ер майдони ноқонуний равишда ҳокимлик заҳирасига қайтарилиб, узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси бекор қилинган. Мазкур ҳолат туман прокуратураси томонидан одилона ўрганилиб, ер фермер хўжалигига қайтарилди.

Пахтакор туман прокуратураси "Ишонч телефони"га "Бобир Исмат ўғли" хусусий корхонаси раҳбари Т.Соибназарова ариза билан мурожаат қилган. Маълум бўлишича, туман инкассация бўлими ходими Ш.Бобоқуловнинг масъулиятсизлиги туфайли Т.Соибназарова томонидан инкассация халтасига солинган 200,0 минг сўм нақд пул "Абдуғофур Мурот" хусусий корхонаси ҳисобига топшириб юборилган. Ўрганиш натижасига кўра, "Бобир Исмат ўғли" хусусий корхонаси раҳбари Т.Соибназаровaнинг 200,0 минг сўм нақд пули қайтарилиши таъминланган.

Назорат текширув органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик талабларига риоя этилиши аҳволи ўрганилганда, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Хусусан, Солиқ кодексининг 112-моддасига асосан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилиши белгиланган. Бироқ шунга қарамасдан Жиззах туман ДСИ ходимлари Д. Умаров ва А. Яссаков томонидан "Асил Қосимов" хусусий фирмасига қарашли умумий овқатланиш шохобчасида қисқа муддатли текширув ўтказилиб, шохобча хизматчиси И. Асадов кирим ҳужжати бўлмаган 28,4 минг сўмлик яхна ичимликларни сотувга қўйганлиги аниқланган. ДСИ бошлиғи А. Установнинг қарори билан фирмага нисбатан ноқонуний молиявий санкция қўлланилган.

Шунингдек, Даштобод деҳқон бозори ҳудудида фаолият кўрсатаётган якка тадбиркор Ш. Ориповнинг иши Зомин туман ДСИ инспекторлари А. Саримсоқов ва М. Дўстбековлар томонидан текширилган. Бироқ мазкур текширув назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг рухсатисиз ўтказилган. Шунингдек, Зомин туман ДСИ бошлиғининг қарори билан Ш. Орипов МЖтКнинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Текшириш натижасига кўра, 4 нафар ДСИ ходими интизомий жавобгарликка тортилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида ДСИ бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Умуман, жамиятимизнинг асосий таянчига айланиб улгурган тадбиркорларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан, юрт тараққиёти йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган тадбиркорлар, кичик бизнес вакилларига таянч бўлиш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари ходимларининг доимий вазифаларидан бўлиб қолаверади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифалар диққат-эътиборимизда бўлаверади.

Янги иш ўринлари кўпаймоқда

Клара ЯКУБОВА,
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалари ислоҳотлар муваффақияти аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларининг қай даражада бажарилаётганлигига бевосита боғлиқдир. Вилоят прокуратура органлари шу боис Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашга, бандлик дастурининг изчил амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жойларда мунтазам текшириш ва мониторинглар ўтказилмоқда, салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан профилактик тадбирлар олиб борилмоқда, ҳуқуқий тарғиботнинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Зарур ҳолатларда айбдор шахсларга нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда. Масалан, 2010 йилнинг ўтган даврида бу йўналишдаги текшириш натижаларга кўра, ваколатли органларга 31 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 131 нафар шахс огоҳлантирилди, 61 нафар шахсга нисбатан интизомий, 97 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир ишлар қўзғатилди.

Янги иш ўринлари яратишда прокуратура органларининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари, таълим муассасалари, банклар, солиқ инспекциялари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракат билан ҳамкорликда ўтказаётган "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаларининг самараси катта бўлмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 11 марта худди шундай меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Уларда 381 та корхона ва ташкилотлар ўзларининг 1180 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур ярмаркаларда вақтинчалик иш билан банд бўлмаган 3048 нафар фуқаро қатнашди. Уларнинг 713 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди, 12 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 2344 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳар йили вилоятда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини минглаб ёшлар битиришади. Шу боис энг аввало, уларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Прокуратура органлари ҳамкорлигида ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида ана шу масала ҳам эътиборга олиңмоқда. Шу йил апрель ойида вилоят марказидаги "Ёшлар шаҳарчаси"да ёшларни иш билан таъминлашга бағишланган ихтисослашган меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда олий ва ўртамахсус таълим муассасаларининг 2576 нафар битирувчиси қатнашди. Уларнинг 1652 нафари ишга жойлашиш учун ўз йўналишлари бўйича иш берувчилар билан шартнома тузишди. 97 нафар ёш мутахассис доимий иш ўринларига эга бўлди.

Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича вилоятда махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, 2010 йилда жами 43317 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида эса 13074 та янги иш ўринлари яратилди ва бу кўрсаткич 102,9 фоизга бажарилди. Аммо текширишлар аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ҳамма жойда ҳам бирдай самарали ташкил этилмаётганлигини кўрсатади. Мирзачўл туманида кичик корхоналар ва микрофирмалар, якка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш режалари бажарилмаган. Жиззах туманида ҳам фермер хўжаликларини ривожлантириш, паррандачилик фермаларини ташкил этиш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш режаси 95 фоизда қолиб кетган. Ғаллаорол туманида эса янги иш ўринлари яратиш соҳасидаги кўрсаткичлар сохталаштириб, ошириб кўрсатилган. Прокуратура органлари томонидан қонун бузилишларига йўл қўйган мазкур туманлар ҳокимлари ўринбосарларига нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг изчиллиги ва такомиллашуви кўп жиҳатдан аҳолини иш билан таъминлаш масалаларининг ечимига боғлиқ. Бу соҳадаги қонунларимиз ва меъёрий ҳужжатларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Вилоят прокуратура органлари шу боис аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларининг ижросига алоҳида эътибор қаратиб бораверади.

Вояга етмаганлар доимий назоратда

Мустақиллик йилларида Республикамизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъдод ва иқтидорларини юзага чиқариш учун зарур бўлган қонунчилик базаси яратилди. Шунингдек, ёшларга оид қонунлар ижросини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўйилмоқда.

Пахтакор туман прокуратураси томонидан айнан шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераяпти. Айниқса, вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йилнинг 21 сентябрида "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида"ги 360-сонли Қарор қабул қилинган эди. Туманимизда мазкур қарор ижроси бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туманда ҳуқуқбузарликка мойил ўсмирларни вақтида аниқлаш, улар билан олиб борилаётган огоҳлантирув ишларининг самарадорлигини ошириш, вояга етмаганларни жиноий йўлга бошловчи шахсларга нисбатан кўзда тутилган чораларнинг қўлланилишини таъминлаш, профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар устидан назоратни кучайтириш борасида зарур тадбирлар ўтказилиб борилмоқда.

Олиб борилаётган ана шундай тадбирларга қарамасдан вояга етмаганлар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилаётганлиги, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолаётганлиги, дарсларга вақтида қатнашмаслик ҳоллари учрамоқда. Фикримизни мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Пахтакор туманидаги А.Икромов ҚФЙ ҳудудида жойлашган 11-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Нурали Қўйчикулов сабабсиз дарсга қатнашмасликка одатланганлардан бири экан. Шунинг учун ҳам у профилактик ҳисобга олинди. Унинг онаси Гулбаҳор Қўшбоқова фарзандига таълим-тарбия бериш борасида ўз мажбуриятини бажармаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47-моддаси билан маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Туман ХТБга қарашли 9-ўрта мактаб ўқувчиси Баҳодир Халиқов эса шу йилнинг 29 апрель куни мактабдоши Шоҳруҳ Каримов билан жанжаллашиб қолиб, унга енгил тан жароҳати етказади. Баҳодир Халиқов туман ИИБ ВЕН томонидан профилактик назоратга олинди. Шу билан бирга унинг ота-онасига нисбатан ҳам тегишли жазо тайинланди.

Умуман олганда, бугунги кунда юқоридагига ўхшаш ҳолатларни содир қилган вояга етмаганлардан 19 нафари туман ИИБ ВЕНда профилактик ҳисобга олинган ва улар устидан доимий назорат ўрнатилган.

Бугунги кунда бутун дунёда бўлгани каби, вилоятимиз, жумладан, туманимизда ҳам одам савдоси домига тушаётганлар учраб турибди. Айниқса, бу жиноят гирдобига ёшлар, айниқса вояга етмаганларнинг дучор бўлиши ўта ачинарлидир.

2008 йилнинг 29 март ойида 1991 йилда туғилган Шерзод Бегматов ва Шерғози Темировлар фуқаро Кўчқор Аннақуловнинг алдовига учишади. Қ.Аннақулов фирибгарлик йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида турли ваъдалар бериб, уларни Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳрига ишга олиб боради. Уларнинг ҳужжатларини олиб қўйиб, ҳеч қандай иш ҳақи бермасдан турли хил қурилиш ишларида мажбуран ишлатади.

Ёшларнинг, жумладан, вояга етмаганларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, уларни турли тўгаракларга жалб этиб, назоратсиз қолмаслигига эришиш энг муҳим вазифа саналади. Шунинг учун ҳам туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, туман хотин-қизлар қўмитаси, ТХТБ, касб-ҳунар коллежлари, ИИБ ВЕН ва уларнинг масъул ходимлари ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда иш олиб боряпти. Ана шу ҳамкорлик боис вояга етмаганлар ўртасида тушунтириш ва ташвиқот-тарғибот ишлари янада яхшиланмоқда. Бу борада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режалаштирилиб, вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш масалалари мазкур жамоаларнинг кенгайтирилган умумий йиғилишларида доимий равишда муҳокама этиб борилаяпти.

Яқинда туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ТХТБ, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши, туман ИИБ ВЕН ҳамкорлигида "Биз ёшлар соғлом авлод тарафдоримиз" мавзусида ёшлар ҳаракати акциясини ўтказди. Унда тумандаги қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фаол иштирок этишди.

Туман прокуратураси бундан кейин ҳам тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг иж-тимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда қаровсиз ва назорат қилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида назоратни яна-да кучайтириб, қонун талаблари асосида иш олиб бораверади.



Ф.ТУРСУНОВ,
Пахтакор туман прокурори



Хат ортида инсон бор

Яқинда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг туман архитектура ва қурилиш бўлимида қандай ижро этилаётганлиги ўрганиб чиқилди. 2009 йил давомида бўлимга фуқаролардан 231 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Уларнинг фақат 61 таси ўз вақтида қаноатлантирилган. 93 та ариза қўшимча текшириш учун зарурат бўлмаса ҳам бир ой давомида ушлаб турилган. 21 та аризанинг қонуний ҳал этилиши эса бўлим раҳбарларининг айби билан пайсалга солинган. Натижада қонун талаблари қўпол тарзда бузилган. Мурожаатларга нописанд муносабатда бўлиш ҳолатларига барҳам берилмаган.

Туман марказидаги "Дўстлик" маҳалласида яшовчи фуқаро П.Анатолий яшаётган уйи бузилаётганлиги сабабли ер участкаси ажратиб беришларини сўраб 2009 йил 26 январда туман ҳокимлигига ариза берган. Ариза тегишли топшириқ билан ҳокимнинг биринчи ўринбосари М.Нурматов ва бош архитекторга юборилган. Фақат орадан 63 кун ўтгандан сўнг ер участкаси "ким ошди" савдосига қўйилганлиги ҳақида хат муаллифига хабар берилган. Аммо юборилган хабарда ер участкасининг жойлашув манзили, ҳажми ва бошланғич баҳоси хусусида маълумот берилмаган. Натижада "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйилган. Энг ачинарлиси шундаки, бундай ҳолат бўлимда одатий нарсага айланиб қолган. Масалан, 46 нафар фуқаронинг ер муносабатлари билан боғлиқ аризаларига берилган жавобларда хат текшириш учун вилоят архитекторлар кенгашига юборилганлиги маълум қилинган ва натижаси ҳақида қўшимча маълумот берилиши айтилган. Аммо аксарият хатларга қўшимча жавоблар юборилмаган. Яна 11 нафар фуқаронинг якка тартибдаги уй-жой қуришга ер участкаси сўраб ёзган аризаларига ҳам ҳеч бир сабабсиз 15 кундан 58 кунгача кечиктирилиб жавоб берилган. Туман прокуратураси томонидан қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Умуман "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш туман прокуратурасининг доимий назоратига олинган. Шу мақсадда прокуратурада "Ишонч телефонлари" ташкил қилинган. Фуқароларни қабул қилиш учун махсус жиҳозланган хона ташкил этилган. Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш якунлари доимий равишда маҳаллий матбуотда ёритилиб борилади. Ҳар бир фуқаронинг аризасини тинглаш ва ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. 2010 йил давомида 24 нафар фуқаро туман прокуратурасига турли мазмундаги аризалар билан ташриф буюрди ва уларнинг аризалари қонуний ҳал қилинди. 11 нафар аризачининг қонуний манфаатлари тикланди.

Масалан, 62-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари А.Нормаматов ноқонуний ишдан бўшатилганлигини маълум қилиб, қайта ишга тиклашни сўраб шикоят қилган эди. Текширишда мактаб директори ва касаба уюшма раиси директор ўринбосарининг меҳнат интизомини бузганликда айблаб сохта йиғилиш баённомаси тузишади ва туман халқ таълими бўлимига тақдим этишгани аниқланган. Туман халқ таълими бўлимида ҳам масалага жиддий эътибор қаратишмайди. Натижада бир фуқаро айбсиз айбдор бўлиб қолаверади. Бу ишга прокуратура аралашгач, ҳақиқат қарор топди ва А.Нурматов ўз вазифасига тикланди. Шунингдек, "Истиқбол" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Хонақоҳ-1" фермер хўжалиги раҳбари Р.Равшановнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдонининг қонуний равишда туман ҳокимлиги заҳира ерлар фондига қайтариб олинганлиги ҳақидаги аризаси ўрганилганда ҳам шундай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Натижада ушбу қонунбузилиш ҳолатини тезда бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Албатта, ҳар бир мурожаатнинг, ҳар бир хатнинг ортида шахс манфаати, унинг ҳуқуқ ва тақдири туради. Шахснинг қонуний манфаатларини тиклаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса ҳуқуқ-тартибот органларининг энг муҳим вазифасидир. Шу боис ҳар биримиз ана шу вазифа ва бурч масъулиятини ҳис этган ҳолда ишлашимиз лозим.

Ш.МУСТАФОЕВ,
Ғаллаорол туман прокурори

«Кўк»ига ишқи тушганлар

Кейинги йилларда шаҳар ва туманларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилди. Лекин баъзи бир шохобчаларнинг фаолияти қонун доирасида олиб борилмаётганлиги афсусланарлидир. ДАТ "Асака банк" вилоят филиали валюта айирбошлаш шохобчалари айрим масъул ходимларининг кўнгли "кўк"ига кетганлардан экан.

Улар Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни талабларига зид равишда иш тутишиб, 2009 йил 15 октябрда М. Мамараҳимов номига 5000 АҚШ доллари, 23 октябрда Ж. Рустамов номига 5000 АҚШ долларини ноқонуний сотиб, расмийлаштирилган ҳужжатларга сохта маълумот киритишади. Харидорларнинг имзосини сохталаштириб, 10.000 АҚШ доллари қийматидаги валюта бойликларини қонунга хилоф равишда сотишади.

Ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди. Шунинг учун ҳам департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан шохобча масъул ходими Зилола Бозорова ва айрим масъул ходимларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаяпти. ДАТ "Асака банк" вилоят филиалининг валюта айирбошлаш шохобчаларида фаолият кўрсатаётган яна бир неча масъул ходимларига нисбатан ҳам валюта бойликларини қонунга хилоф равишда сотганлик ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Улар ҳам юқоридаги қонун талабини бузишиб, 2009 йилнинг 8 октябрь куни 09007-шакддаги ВА №3659424-сонли маълумотнома орқали 3000 АҚШ доллари Ў.Юлдашевга сотилганлиги тўғрисида расмийлаштирилган ҳужжатларга сохта маълумотнома киритишади ва харидорнинг имзосини сохталаштиришади.

Айни пайтда филиалнинг валюта айирбошлаш шохобчаси масъул ходими Сожида Абдукаримова ва шохобча айрим масъул ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

С.ИСМОИЛОВ,
Департаментнинг Жиззах вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Фарзандлари соғлом юрт...

Норбўта ҒОЗИЕВ,
журналист

Ғузор туманига Муҳаммад Баратов прокурор этиб тайинланди-ю, туманда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошланди. Турли мусобақалар ўтказиш анъана тусини олди. Мана бир мисол: ўтган йили тумандаги корхона ва ташкилотларнинг футбол жамоалари ўртасида туман биринчилиги ўтказилган бўлса, туман марказидаги болалар спорти мажмуасида бевосита М.Баратовнинг ташаббуси билан стол тенниси бўйича мактаб ўқувчилари орасида вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилган эди. Жорий йилда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тумандаги имконияти чекланган, таянч-ҳаракат тизимида нуқсони бор, хонадонларда якка тартибда ўқитилаётган 59 нафар ўқувчи иштирокида "Ардоғимиздасан болажон" мавзусидаги тадбир ташкил этилди. Сўнгра улар тумандаги 34-мактабда расм чизиш ва спортнинг шахмат-шашка турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Ғолибларга туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, туман ХТБ ва "Камолот" ЁИҲ туман бўлимининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шунингдек, яқинда тумандаги болалар спорт мажмуасида ўқувчилар ўртасида стол тенниси бўйича шахсий ва умумжамоа биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 40 та мактабдан 120 нафар ўғил ва 80 нафар қизлар иштирок этишди. Қизиқарли ўтган баҳсларда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин тумандаги 68-мактаб ўқувчиларига, иккинчи ўрин 1-мактаб теннисчиларига насиб этган бўлса, тумандаги 27-мактаб ўқувчилари учинчи ўрин билан кифояланишди.

Қизлар ўртасидаги шахсий биринчиликда тумандаги 75-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Парвина Қурбоновага тенг келадигани топилмади. 22-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шаҳноза Баратова иккинчи, 1-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Хадича Қурбонова эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ўғил болалар баҳсида 68-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Азим Давлатов шоҳсупанинг энг юқори поғонасини банд этган бўлса, 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Фаррух Холмуродов иккинчи, 22-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Шаҳбоз Баратов учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақа ғолибларига Болалар спортини ривожлантириш вилоят бўлими, туман прокуратураси, туман ХТБ ва "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг эсдалик совғалари ҳамда дипломлари топширилди.

— Мустақиллик халқимиз учун улкан имкониятлар эшикларини очди, — дейди туман прокурори, стол тенниси бўйича спорт усталигига номзод Муҳаммад Баратов. — Айниқса, буюк келажакни барпо этиш йўлида ёшлар ҳаётига бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Президентимизнинг "Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади", деган улуғвор даъватлари бекорга айтилмаган. Чунки миллат мавқеи дунё бўйлаб юксалишида спортнинг ўрни беқиёс. Спорт руҳий баркамоллик, маънавий тарбия воситаси ҳамдир. Шунинг учун ёшларнинг иқтидори, истеъдодини юзага чиқариш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди. Натижада, мана 19 йилдирки, Ўзбекистон байроғи жаҳон миқёсидаги энг нуфузли мусобақаларда ҳилпираб, давлатимиз мадҳияси баралла янграмоқда. Ўғил-қизларимиз ўртасидаги мусобақанинг гувоҳи бўлдингиз. У спортчилар учун маҳорат кўриги, мураббийлар учун шогирдларни чиниқтириш, ишқибозлар учун эса спортнинг стол тенниси турига ҳавас уйғотиш вазифасини ўтади. Қолаверса, спортнинг саломатлик, ақлий теранлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдаги жиҳатлари ўз ифодасини топди. Муҳими, Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, — шиори амалий ҳаракатга айланди. Яна бир муҳим томони, спорт билан шуғулланган бола жиноятчилик кўчасига кирмайди, турли ёт ғоялар таъсирига берилмайди.

Юртбошимизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган гаплари бежизга эмас. Болаларимиз соғлом, бақувват бўлиб улғайсалар, ақлий қобилиятлари ҳам шаклланиб боради. Зеро, 2010 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб номланиши ва юртимизда болалар спортини оммавийлаштиришга устувор вазифа сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас.

Ёш авлод маънавияти йўлида

Ўктам САИДОВ,
Шеробод туман прокурори

Республикамизда маънавиятни юксалтиришга мудом жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, ўқув муассасаларида маънавият ишлари бўйича ўринбосарлар, маҳаллий ҳокимликларда маънавият-тарғибот марказлари раҳбарлари ва бошқа кўплаб штатлар жорий қилинганки, буларнинг барчаси жамиятда маънавиятни юқори даражага кўтариш йўлида қилинган ишлар ҳисобланади. Маънавий жиҳатдан етук инсонларни бирлаштирган жамиятгина буюк ишларга қодир бўлади. Маънавияти юксак миллатнинг келажаги порлоқ ва нурафшондир. Бундай халқ дунё ҳамжамиятида ҳам ўз обрўси ва нуфузига эга бўлади. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов "Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир", дея таъкидлаган эдилар.

Фуқаролари баркамол давлат буюк ишларни амалга ошира олади. "Баркамол инсон" тушунчаси кенг қамровлидир. У инсоннинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам маънан етук бўлишини англатади. Шу маънода, жорий йилнинг Ватанимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишда унинг маънавий савиясини юксалтиришни назардан қочириш хато бўлур эди. Шу боис юртимизда маънавият масаласига жиддий ёндашилмоқда.

Жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида маънавиятнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", 66-моддасида эса "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар", деб белгиланган. Ушбу нормалар инсоннинг, у ота ёки она ёхуд фарзанд бўладими, маънавий қарашларга эга бўлмоғини тақозо этишини англаб олиш қийин эмас. Кўпгина давлатларнинг Асосий Қонунида бундай моддалар учрамайди.

Шу йилнинг 17 май куни "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди ва кучга киритилди. Қонунга биноан, кодекс 188[2]-модда билан тўлдирилди. Янги киритилган модда "Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш" деб номланади. Унда "Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер залларн, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади", дея белгиланган. Бу — болалар, ўсмирлар, умуман, вояга етмаганларнинг маънавий тарбиясига эътибор ва назорат зарурлигидан келиб чиқиб қўйилган оқилона қадамдир. Кодекснинг юқорида келтирилган модда билан тўлдирилиши, бир томондан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини назарда тутса, иккинчи томондан, улар ўртасида ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган.

Албатта, ҳар қандай қонун ижроси билан аҳамиятлидир. Шу маънода, кодекснинг янги модда билан тўлдирилиши маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли идоралар зиммасига қонун ижросини таъминлаш борасида катта масъулият юклайди.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга қодир, жисмоний ва маънавий етук авлодни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодларгина оғир синов ва қийинчиликларни енгишга, юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади.

Тараққиёт кафолати

Муродбек МАМБЕТОВ,
ТДЮИ тадқиқотчиси

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун барча имкониятлар ҳамда шарт-шароитлар яратилган. XXI аср - интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш, ишқибозлар учун эса спортнинг стол тенниси турига ҳавас уйғотиш вазифасини ўтади. Қолаверса, спортнинг саломатлик, ақлий теранлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдаги жиҳатлари ўз ифодасини топди. Муҳими, Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, — шиори амалий ҳаракатга айланди. Яна бир муҳим томони, спорт билан шуғулланган бола жиноятчилик кўчасига кирмайди, турли ёт ғоялар таъсирига берилмайди.

Юртбошимизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган гаплари бежизга эмас. Болаларимиз соғлом, бақувват бўлиб улғайсалар, ақлий қобилиятлари ҳам шаклланиб боради. Зеро, 2010 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб номланиши ва юртимизда болалар спортини оммавийлаштиришга устувор вазифа сифатида қаралаётгани ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги кунда янги қурилган ва замонавий ўқув-техника жиҳозлари билан таъминланган мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳавас қилса арзигулик даражада фаолият олиб бормоқда. Баркамол авлод тарбиясида уларнинг ўрни беқиёс, албатта. Бундан ташқари ёшлар тарбиясига бошқа бир қанча омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Булар ичида ўзбек миллатининг ўзига хос бўлган ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланмиш маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга умумдавлат миқёсида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, бундай улкан мақсадларга эришиш босқичма-босқич амалга оширib келинмоқда. Бунинг инъикосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури", Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонунларимизда кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган ва 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44-сессиясида қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция моҳиятига мосдир. Мазкур Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 9 декабрда ратификация қилган.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: "Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак - биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу ўта муҳим масалани доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида кўришимиз даркор", дея алоҳида таъкидлади.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим бўғини бўлган оилага алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлаш зарур. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно-мазмун бор. Ёшларни эл-юртимизга муносиб фарзанд, эртага Ватанимизнинг ҳақиқий фуқароси бўладиган инсонлар этиб тарбиялашда оиладаги соғлом муҳит, ота-онанинг бир-бирига меҳри ва ҳурмати катта таъсир кўрсатади.

Соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа, деб билишимиз даркор.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган Давлат дастури ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида жами давлат ва нодавлат манбаларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ресурс ва имкониятларимизни сафарбар этишни кўзда тутади.

Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Ёшларнинг ҳар томонлама етук ва комил инсон бўлиб вояга етишларида маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлагандик. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви масалалари демократиянинг ажралмас қисми бўлиб, у халқ ҳокимиятини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси демократик давлат қуриш сари одимлар экан, бу таърифни характерловчи ҳамма хусусиятларга жавоб бериши керак. Зеро, фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоа тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади.

/Давоми 12-бетда/

Ҳосилдорлик гарови



Баҳодир КАРИМОВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ушбу соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Соҳадаги ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга чек қўйиш, қонунлар ижросини таъминлаш ва деҳқон-фермерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳам юксак талаблар қўйилмоқда. Масалага бу даражада жиддий аҳамият берилиши қишлоқ хўжалигида кўплаб қонунбузилишларнинг мавжудлиги, уларни бартараф этмасдан ислоҳотлар самараси ҳақида гапиришга ўрин йўқлигидан далолат беради.

Конституциямизда миллий бойлигимиз бўлган ердан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва ер давлат муҳофазасида эканлиги алоҳида қайд этилган. Ҳақиқатан ҳам ер инсонни боқади. Шунинг учун ҳам ундан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ундан ташқари, ернинг ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитларнинг алоҳида ўрни борлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Аммо, афсуски, қишлоқ хўжалигини минерал ўғит билан таъминлаш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Шу боис, Республика прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 16 декабрдаги "2009 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижроси юзасидан олиб борилган назорат тадбирлари давомида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Масалан, "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси корхоналари фаолияти устидан идоравий назорат ва ички интизом бўшаштириб юборилган. 2009 йилда мазкур тизимдаги корхоналарда 496 млн. сўмликдан ортиқ 2242,3 тонна минерал ўғитлар талон-торож қилинган. Хусусан, "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Сўх туман филиали раҳбари Г.Гадоев ва бошқалар 2006-2007 йилларда 98 тонна "карбамид" минерал ўғитини сотишдан тушган 107.9 млн сўм маблағни талон-торож қилганлар. Шу каби, Янгийўл туманлараро "Қишлоқхўжаликкимё" филиалининг "Озод" минерал ўғитлар тарқатиш шохобчаси мудири И.Аҳмедов 6 турдаги 16,4 млн. сўмлик, Арнасой туман филиали омбор мудири Ў.Раҳмонқулов эса 54,2 млн. сўмлик 171,2 тонна минерал ўғитни ўзлаштириб юборганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, компания тизимидаги корхоналарда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 апрелдаги "Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ички ишлар вазирлиги ва "Ўзкимёсаноат" ДАКнинг 2004 йил 27 апрелдаги қўшма буйруқлари талабларининг бузилишига ҳам йўл қўйилган. Аммиакли селитра ноқонуний равишда берилиб, белгиланган тартибда ер майдонларига сепилиши таъминланмаётганлиги етмаганидек, устига-устак ўзлаштирилаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Хизмат вазифасини ўтаётган Андижон вилоят ИИБ ходими Ф.Маматкаримов "Қишлоқхўжаликкимё" Асака филиали ходимлари билан жиноий тил бириктириб, пахта майдонларини озиқлантириш учун ажратилган 950 кг. "аммиакли селитра" минерал ўғитини ўзлаштириб юборган бўлса, Қува туман филиали раҳбари Р.Аррабоев, филиал марказий омбори мудири Б.Исмоилов ва Фарғона вилоят ИИБ патруль пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси катта инспектори Ҳ.Салимовлар билан келишиб, 2 тонна "аммиакли селитра"ни номаълум шахсларга сотиб юборган. Миришкор туманидаги "Аваз чўл" минерал ўғит тарқатиш шохобчаси мудири Б.Шоматов эса "Алланазар қизи Тўйчи момо" ва "Жавоҳирбек" фермер хўжаликларига тегишли 1.8 млн. сўмлик 5.1 тонна ўғитни фуқаро Д.Ҳамроевнинг уйида ноқонуний сақлаган. Избоскан туманидаги "Оразий орзуси" фермер хўжалиги раҳбари С.Эшматов бўлса, "Қишлоқхўжаликкимё"нинг туман филиалидан олинган 1 млн. сўмлик 5.5 тонна минерал ўғитни далага сепмасдан, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, етказилган зарар айбдорлардан тўлиқ ундирилди ва уларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Компания тизимидаги айрим корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Қарори ижросига етарли эътибор қаратилмаётганлиги оқибатида 2009 йилда 95,8 млн. сўмлик 268,8 тонна минерал ўғитни Республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Фарғона туманида яшовчи Б.Холходжаев 2009 йилнинг 7 февраль куни "Камаз-520" русумли 4 та автомашинада 16,8 млн. сўмлик 60 тонна "аммиакли селитра"ни Қирғизистон Республикасига ноқонуний олиб ўтаётган вақтида ушланган.

Бундай салбий ҳолатлар асосан Сирдарё, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида аниқланиб, қонунни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилди. Бундан ташқари, компания тизимидаги корхоналарда олдиндан юз фоиз тўлов асосида минерал ўғитни етказиб бериш, тўлов интизомига оид қонунчилик талабларига риоя этилмасдан суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам маълум бўлди. Жумладан, корхоналарнинг тарқатилган минерал ўғитлар учун 2010 йил 1 январь ҳолатига вужудга келган 299,3 млрд. сўмлик дебиторлик қарзларининг тўлов муддати ўтган. Муддати ўтган қарздорликлар асосан, Сирдарё вилоятида 47,6 млрд., Жиззах вилоятида 35,6 млрд., Фарғона вилоятида 33,0 млрд., Қашқадарё вилоятида 28,9 млрд., Наманган вилоятида 28 млрд., Андижон вилоятида эса 19,5 млрд.га тўғри келади. "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Косонсой туман филиали мансабдор шахслари 251 та фермер хўжаликларига 438 млн. сўмлик минерал ўғитни олдиндан тўловларсиз бериб юборганлиги оқибатида дебитор қарздорликнинг 379.4 млн. сўмга ортиб кетишига сабабчи бўлганлар. Ўртачирчиқ туманидаги "Кучлук" туманлараро минерал ўғит тарқатиш базаси мансабдорлари эса 5,3 млн. сўмлик 15,9 тонна минерал ўғит аралашмасини тегишли тартибда шартнома тузмасдан ва олдиндан тўловлар амалга оширилмасдан, "Воситакимё" хусусий корхонасига бериб юборганлар. Ушбу ҳолатлар бўйича айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Тизим корхоналарида молиявий аҳволни соғломлаштириш, дебитор қарздорликни ундириш ва тўловларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган қонунбузилишлар иш ҳақининг ўз вақтида тўланмасдан келинишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Бувайда туман филиали мансабдор шахслари етказиб берилган минерал ўғит учун вужудга келган 5,7 млрд. сўмлик дебитор қарздорликни ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганликлари оқибатида корхона ходимларининг 9,5 млн. сўмлик иш ҳақи ўз вақтида тўланмаган. Бу каби ҳолатлар Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида аниқланиб, қонунни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан бу йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 218 та тақдимнома ва 28 та протест келтирилди. Шу жумладан, 1242 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилиб, 983 нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган 8.9 млн. сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилди. 9.4 млрд. сўм зарарни ундириш юзасидан 48 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Амалий ҳамкорлик ришталари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Шоназар БЕРДИЕВ,
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди судьяси Марк Вилингер билан бўлган учрашувда у Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва либераллаштириш жараёни ҳамда бу соҳада амалга оширилаётган халқаро ҳамкорликлар билан таништирилди.

Судья Марк Вилингер берган ахборотдан маълум бўлишича, Европа Кенгашига аъзо бўлган давлатлар "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳақида"ги Конвенция ва унинг Баённомасида олинган мажбуриятларга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ташкил топган. Бу суд доимий равишда фаолият кўрсатади. Судьялар энг юқори даражадаги маънавий сифатларга эга бўлишлари лозим ва улар бу юқори лавозимга тайинланаётганларида қўйиладиган талабларни қаноатлантиришлари ёки ҳуқуқда умумий обру-эътиборга сазовор бўлишлари лозим. Суд ишида судьялар шахсий сифатларига кўра иштирок этадилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди энг йирик ҳалқаро суд бўлиб, унда 47 та судья фаолият кўрсатади. Судга ҳар йили 50 мингдан ортиқ шикоят келиб тушади. Уларни кўриш натижасида суд миллий юрисдикциянинг қарорини бекор қилмайди, фақат инсон ҳуқуқлари бузилганлигини қайд этади, холос.

Германия ҳуқуқ академиясида бўлган учрашувда мазкур академиянинг фаолияти билан танишдик. Академияда судья ва прокурорлар ўқитилади. Академия томонидан ҳар йили судья ва прокурорларни ўқитиш дастури бўйича 150 га яқин конференция ва халқаро анжуманлар ўтказилади. Бу тадбирлар академия билан федерал ерлар ўртасида тузилган битим ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Айрим Федерал ерларнинг норматив ҳужжатларида прокурор судья бўлиб, судья эса прокурор бўлиб ишини давом эттириши белгиланган. Жиноятчиликка қарши курашда судья ва прокурорга уларнинг билим ва малакасига нисбатан бир хил талаб қўйилади. Академияда ўқиш давридаги яшаш ва овқатланиш бепул. Транспорт харажатлари федерал ерларнинг суд ва прокуратураси томонидан қопланади. Академияда, шунингдек, алоҳида тартибда давлат органларининг ва жазони ижро этиш жойларининг юристлари ўқитилади.

Европа ҳуқуқи академияси Европа ҳуқуқи бўйича юристлар учун ўқув муассасаси ҳисобланади. Академияда Европа иқтисодий ҳамжамиятининг барча соҳаларидаги қонунларини ўзида мужассам этган кутубхона ташкил этилган. Академиянинг вазифаси Европа Кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган ва Европа қонунчилигини бажаришга жалб этилган шахслар ва ҳокимиятларга Европа Кенгашининг ўзига хос ҳуқуқи бўйича кенг билим беришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш борасида академия томонидан уч кунлик курслар, конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил қилинади.

Триер университети 1473 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозирда бу университетда 14 минг талаба таҳсил олади. Университетнинг кутубхонасида 14 миллиондан зиёд китоб ва қўлёзмалар сақланади. Университетнинг юридик факультетида кенг қамровли ҳуқуқий изланишлар олиб борилади. Ушбу Университет профессорларининг таъкидлашича, қўзғатилган жиноят ишларининг 3/4 қисми дастлабки терговда прокурор томонидан жиноятнинг ҳамда шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда тугатилар ва 1/4 қисми судга оширилар экан.

Ташрифнинг сўнги кунида Райнланд-Пфальц ери адлия вазири доктор Хайнц билан учрашув бўлиб ўтди. У Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни, хусусан ҳуқуқ соҳасидаги алоқаларга, ўзаро тажриба алмашишларга юқори баҳо бериб, бундай ҳамкорлик келажакда ўз самарасини беришига умид билдирди. Шу билан бирга Хайнц Германияда ҳуқуқ соҳасидаги барча ўзгартиришлар аввал ҳар томонлама ўрганилиб, назарий асосланган сўнггина амалиётга киритилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиги, юридик фанлари доктори Т.Умаров Германия ҳуқуқ академиясида "Ўзбекистонда прокурорларни қайта тайёрлаш дастурини ривожлантириш мазмуни", Райнланд-Пфальц федерал ери адлия вазирлигида "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тарихи ва тикланиши" мавзусида маъруза қилди.

Ушбу маърузалар назарий ва амалий жиҳатдан юқори даражада малакали равишда тайёрланганлиги ҳамда педагогик маҳорат билан баён этилганлиги Германия прокурорлари, судьялари, Адлия органлари вакиллари, Академия ва вазирлик раҳбарларида катта қизиқиш уйғотди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳуқуқ соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, қонунларни такомиллаштириш юзасидан ўзаро тажриба алмашишни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Муттаҳам «куёв»

Мирзо ҲАМДАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Лена қош-кўзи қоп-қора, келишган бу йигитни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳатто ўзга миллат вакили эканлигига ҳам аҳамият бермади. Устига-устак йигит катта бир ташкилотнинг савдо бўлими бошлиғи экан. Шунинг учун бўлса керак, Лена унинг иш юзасидан турли давлатларда бўлиши ҳақидаги гапларига унчалик эътибор бермади. Муҳаббатнинг кўзи кўр дейишгани шу бўлса керак-да! Озар ўғлони бўлмиш Гейдар Илясов ҳам қизга бефарқ эмаслигини билдирди. Тез-тез учрашадиган бўлишди. Шундай кунларнинг бирида йигит қизнинг қариндошлари олдида унинг қўлини сўради. Лена розилик билдиргач, икки ёш расмий никоҳдан ҳам ўтмай, қизнинг уйида яшай бошлашди. Ўша пайтларда Лена ўзини чинакам бахтиёр ҳис этар, орзулар уммонида қанот қоқарди. Бўлмасам-чи, Гейдар гоҳ Москвада яшовчи отаси вафот этганлиги туфайли унга анчамунча мерос қолгани-ю, ўзлари ҳам тез орада ўша ёққа кўчиб кетишларини айтса, бошқа сафар у ердан Америкага ўтишлари ҳақида гапириб, қизни хурсанд қиларди. Бу орада Лена ҳомиладор бўлди. Аммо кўп ўтмай Лена бу гапларнинг барчаси сароб эканлигини англаб етди. Аввало, Гейдар уйга бир тийин ҳам олиб келмас, пулни асосан қиздан олиб, вақтини кўчада ўтказар, кечқурун эса ғирт маст бўлиб келиб, тўполон қилар эди.

Куз ойида Лепанинг бувиси даволаниш мақсадида госпиталга ётди. Буни қаранг-ки, эртаси куни Лепанинг ҳам буйраги қаттиқ оғриб, у ҳам касалхонага тушди. Гарчи Гейдар ундан хабар олиб турса-да, дори-дармон билан озиқ-овқатга умуман пул сарфламади. Бунда ҳам қизнинг декрет таътили туфайли олаётган пуллари асқотди.

Буви билан набира касалхонадан бир кунда чиқишди. Квартиранинг эшиги ёнида Гейдар тўсатдан Лепани тўхтатди-да, мени кечира оласанми, деб сўради.

— Нима гап? Тинчликми?

Йигит жавоб бермади. Ичкарига киришгач, Лепанинг бувиси хонани кўздан кечира бошлади. Нарсаларининг жойида эканлигига амин бўлиб, хотиржам бўлгач, жавонни очмоқчи бўлган эди, очилмади. Яна уринди, бўлмади. Гейдар ҳаракат қилиб кўрди. Аммо у ҳам бунинг уддасидан чиқолмади. Қулф бузилган экан.

— Шошманглар, — деди буви. — Ҳозир қўшнини чақираман. Бунақа ишларга жуда ҳам уста. Бирпасда очиб беради.

Қўшнига қўнғироқ қилиб чақиришди. У ҳам анча уриниб, ахийри очишга муваффақ бўлди. Асбобларини бир четга қўяр экан, кампирга юзланди:

— Петровна, қулфингиз ўз-ўзидан бузиладиганга ўхшамайди. Кимдир очмоқчи бўлиб, бузиб қўйган-ов. Менинг маслаҳатим, нарсаларингизни бир кўздан кечириб чиқинг...

Кампир унинг гапи билан шоша-пиша жавонни текшира бошлади-ю қидирган нарсасини тополмади шекилли, бўшашганча ўтириб қолди. Лена шу заҳоти унинг тепасига келди:

— Нима бўлди, бувижон? Мазангиз қочдими?

— Ўғирлашибди!...

— Нимани ўғирлашади? Ким ўғирлабди?

Кампир унга жавоб бермай, қўли билан жавонни кўрсатди. Лена шу заҳоти жавон ичини текшира бошлади. Аммо нима йўқолганини дабдурустдан билолмади. Бувиси жавонда ўзи учун энг қадрли буюмларни сақлар, калитни ҳам доимо ўзи билан олиб юрарди.

— Буви, нима йўқолибди ўзи?

— Бувангни тилла соати билан орден-медаллари жойида йўқ. Медалларим ҳам кўринмайди. Ахир уларнинг ҳаммасини шу ерда сақлардим-ку! Ким олди-а, ким?



Кампир шундай дея йиғлаб юборди. Лена уни юпатишга уринар экан, кампир тўсатдан Гейдарга юзланди:

— Тилла зираклар билан бошқа нарсаларни ҳам сен олгансан. Сендан бошқа одам олиши мумкин эмас. Тез жойига қайтарсанг қайтардинг, йўқса ҳозироқ милиция чақираман.

Унинг гапини эшитган Лена турган жойида қотиб қолди.

— Бўлиши мумкин эмас. Бувижон, бу нима деганингиз? Гейдар бундай иш қилмайди. Тўғрими, Гейдар? Сен олмагансан-а?!

У шундай дея умид тўла кўзларини Гейдарга қадади. Кампирнинг гапларидан довдираган йигит аввалига нима дейишни билмай қолди. Аммо тезда ўзини қўлга олиб, бу гаплар туҳмат эканини, у жавоннинг ёнига яқин ҳам келмаганини айтиб, ўзини оқлай бошлади.

— Олмаганман дейсанми? — энди кампирнинг ростакамига жаҳли чиқа бошлади. — Ахир кўча эшик қулф турган бўлса, биров осмондан тушиб, нарсаларни олиб кетадими? Калитларнинг биттаси сенда эканлигини ҳамма билади-ку!

Ана шундан кейингина Гейдар айбини бўйнига олишга мажбур бўлди.

— Майли, — деди у бошини ҳам қилганча, — айбдорман. Тўсатдан пул керак бўлиб қолди. Сизлар касалхонада бўлсанглар, нима қилишим керак эди? Шунинг учун жавонни очишга мажбур бўлдим. Аммо айтиб қўяй, фақат тилла узукларнигина олдим, холос. Қолганини билмайман.

Унинг бу жавобидан кампир баттар тутақиб кетди:

— Нима дединг? Фақат тилла узукларни олдим дейсанми? Қолган буюмлар қаёққа йўқолади унда-а? Қанот чиқариб учиб кетишибди-да! Буни қара-я! Йўқ, сен менга жавоб бер, нимага бировнинг молига кўз олайтирасан? Нима ҳаққинг бор?! Ким сенга бундай ҳуқуқ берди? Пул керак бўлибди, ўзимдан сўрасанг берардим-ку! Ё шу пайтгача бермаганмидим. Мен ҳеч нарсани билмайман, олган нарсаларингни жойига қўйсанг, қўйдинг, бўлмаса ҳозироқ милиция чақираман.

Гейдар қараса, иш чаппасига айланиб кетаяпти. Шунинг учун мурosa қилишга ўтди:

— Бувижон, ҳозиргина айбимни бўйнимга олдим-ку! Сизга яна нима дейин? Ростдан ҳам пул керак бўлиб қолувди. Майли, сиз айтганча бўла қолсин, қолган нарсаларни ҳам мен олганман. Бўлдими? Фақат сиқилмасангиз бўлди. Ўзи ҳозиргина касалхонадан чиққан бўлсангиз,..

— у шундай дея хонадагиларга бир-бир қараб чиқди-да, сўнг қўшиб қўйди, — агар хоҳласангиз, ҳозироқ барча нарсаларни олганим ва тезда қайтаришим ҳақида тилхат ёзиб бераман.

Кампир ноилож рози бўлди. Рози бўлмай, қаёққаям борарди. Ахир Гейдар қонуний бўлмасада, куёви бўлса, устига-устак набираси ундан фарзанд кутаяпти... Айтмоқчи, ўша кунлардан Гейдарнинг онаси ҳам Бокудан қўнғироқ қилиб, милицияга хабар бермасликлари ҳақида ўтиниб илтимос қила бошлаган эди...

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Лепанинг ҳам тез-тез мазаси қоча бошлаб, кўп ўтмай яна касалхонага тушди ва ой-куни етмай ўғил туғди. Аммо сўнгги пайтдаги сиқилиш-у асаббузарликлар аллақачон ўз ишини қилган эканми, чақалоқ уч кунгина яшаб, оламдан ўтди. Буни қарангки, бир ёқда онаизор уч кунгина дунё юзини кўрган боласига куйиб адойи тамом бўлаётган бўлса, бироқ бу айрилиқни ота бўлмиш Гейдар парвойига ҳам келтирмади. У ҳамон кайф-сафо қилиб, Лепанинг пулларини совуришда давом этар эди. Бу орада мантиқасқони, иккита хрусталь вазаси ҳамда ликопчаларининг жойида йўқлигини билиб қолган кампир яна Гейдарни қистовга олди. Лекин куёв айбини бўйнига олмагач, жаврагапча қолаверди. Оиладаги муҳит кун сайин оғирлашар, Лепанинг пуллари еб-ичишларига етмас, Гейдар эса қўлини совуқ сувга ҳам урай демасди. Набирасига раҳми келган кампир ахийри эридан қолган Чилонзордаги квартирасини сотишга қарор қилди. Харидор ҳам тезда топилиб, квартира 20 минг АҚШ долларига баҳоланди. Бу ишлардан хабар топган Гейдар ўша кунданоқ ўзгариб, кампир билан Лепага меҳрибончилик қила бошлади.

Унинг кампирникига навбатдаги ташрифи чоғида Лена бувиси билан бирга эди. Гейдар эшикдан кира солиб, одатдагича тилёламачилигини бошлади. Улар билан қуюққина салом-алик қилгач, Лепанинг ёнига ўтирди-да, гап бошлади:

— Менга қара, чақалоғимиз ўлгани билан ҳаёт тўхтаб қолмайди-ку, тўғрими? Шунинг учун кўп сиқилиб, ич-этингни ейишингдан фойда йўқ. Насиб қилса, яна туғарсан. Ҳали ёш бўлсак... Энди-чи, келажагимизни ўйлашимиз керак. Нима дединг, бувижон? — у кампирга юзланди. — Набирангизга бундоқ насиҳат қилиб қўйсангиз бўлмайдими? Ахир чақалоқ чала туғилган эди-ку! Нима, энди унинг кетидан биз ҳам ўлишимиз керакми?

Кампир унга жавоб бермай, ошхонага чиқиб кетди. Буни фойдаланган Гейдар гапида давом этди:

— Лена, олдингга маслаҳат билан келгандим. Биламан, бувимиз уйнинг пулларини сенга бериб қўйган. Ўшандан озроғини бериб турсанг дегандим. Албатта, қарзга. Ўзимнинг бизнесимни бошламоқчиман. Бу ёқда хабаринг бор, машинани кредитга олиб қўйганман. Униям ҳаққини тўлашим керак. Хуллас, агар рози бўлсанг, ўша пулларга ҳам иш бошлардим, ҳам машина ёнимга қоларди. Бўлмаса бу пулларни барибир ишлатиб қўясизлар...

Гейдар у деди, бу деди, ахийри Лепани кўндирди. 9 минг 500 АҚШ долларини қўлга киритган Гейдар ўша заҳотиёқ 15 минг доллар олгани ҳақида тилхат ёзиб берди.

— Гейдар, сени тушунмадим. Ахир мендан 9 ярим минг доллар олган бўлсанг-у нима учун 15 минг олдим деб ёздинг? Билиб қўй, менга фақат ўзимнинг пулларимни қайтарсанг бўлди. Сениқи ўзингга буюрсин.

Гейдар унга жавоб бермай, мийиғида кулиб қўйди-да, кўчага отилди. Орадан кунлар ўта бошлади. Лена унинг ишлари ҳақидаги сўраганида, Гейдар ҳаммаси жойидалиги, яқин кунларда олган қарзларини қайтариб беришини айтиб хотиржам қилди.

Икки ойча ўтгач, Лена Гейдар билан банкка бориб, уй сотилишидан қолган 10 минг долларни олиб келиб, шкафга қўйди. Икки-уч кундан кейин қараса, пуллар қўйилган жойида йўқ. Янглишиб, бошқа ерга қўйганмиканман дея ҳамма ёқни ахтариб чиқди. Бироқ топа олмади. Шундан кейингина унинг кўнглида шубҳа уйғонди. Пулларни Гейдардан бошқа одамнинг олиши мумкин эмас. Сабаби, аввало, Лена пулни қаерга қўйганини фақат у кўрган. Қолаверса, на эшикнинг ва на пуллар турган шкафнинг қулфи бузилган эди. Калитни ясатиб олиш эса Гейдарга чўт эмас. Лена шундай хаёллар билан унинг келишини, келган заҳоти сўроқ қилишни кўнглига тугиб, кута бошлади. Бироқ Гейдар ўша кетганча қайтиб келмади. Телефонини ҳам кўтармади.

Бир ойлардан кейин Лена Гейдарни кўчада учратиб қолди. Аммо Лепанинг бахти бор экан, бу учрашув сал бўлмаса унинг учун фожиа билан тугар эди. Йўлкадан уйи томон келар экан, шундоққина ёнгинасида машина пайдо бўлди-ю олд ўриндиқда ўтирган Гейдар унинг қўлидан маҳкам ушлаб, ҳайдовчига газни босишни буюрди. Машина шитоб билан олға интилди. Лена уч-тўрт қадам қўймаёқ йиқилгач, унинг қўлини қўйиб юборib, кўздан ғойиб бўлди. Лепани эса касалхонага элтишди.

Шу куниёқ Бокудан Гейдарнинг онаси қўнғироқ қилиб, улардан ўғли учун кечирим сўради ва барча пулларни ўзи қайтаришга ваъда берар экан, милицияга хабар қилмасликларини ўтиниб сўради. Буви ҳам, Лена ҳам нима қилишни билмай қолишди. Милицияга ариза берай дейишса, онаизорнинг аҳволини тушуниб, унга раҳмлари келар, шунча пулдан айрилиб, индамай кетиш ҳам алам қилар эди. Кўп ўтмай Гейдар ҳам қўнғироқ қилди. Бу сафар у илгаригидай ялтоқланмас, оғзидан боди кириб, шоди чиққанча Лепани ҳақорат қилар экан, пулларни қайтармаслигини писанда қилиб қўйди. Сал ўтмай эса, Лепанинг телефонига таҳдидга тўла СМСлар кела бошлади. Шундан кейингина Лепанинг бувиси ариза билан тегишли органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

* * *

Халқимизда "куёвларни пайғамбарлар сийлаган" деган нақл бор. Дарҳақиқат, ҳар қандай ота-она қизининг тиниб-тинчиши учун қўлидан келган ёрдамни аямайди. Вақти келса, кўп нарсалардан кўз юмади. Юқоридаги воқеада ҳам Лепанинг бувиси деярли шундай йўл тутди. Куёвини ўғлидек қабул қилиб, уйидан жой берди. Рўзғорига қарашиб, керак пайтда пул ҳам бериб турди. Куёв бўлса, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариб, туз еган тузлиғига тупургани боис энди ўн йиллик умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Ўз фарзандининг қотили

Бу дунёда неки яралмиш жонзод бор, барчаси "болам деб, чақам деб" яшайди. Уйларнинг шипига ин қурган қалдирғочларни кўринг. Тухумларни ёриб чиққан полапонлар темирқанот бўлгунча ота-она қалдирғочлар тиним билмайди. Бири олиб, бири қўйиб болаларига озиқ-овқат ташийди. Ёш болаларини эргаштириб юрган она шер қошига ундан тўрт-беш баробар кучли шерлар ҳам яқин йўлай олмайди, чунки улар она шернинг болаларини ҳимоя қилаётганда ҳеч нарсадан тап тортмаслигини, ҳаёт-мамот жангига киришишини жуда яхши билишади. Барча жонзотлардан азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсон боласи-чи? Қуйида уларнинг баъзи нонкўрлари ўз жигаридан бўлган фарзандларига қандай муносабатда бўлишлари мумкинлигидан хабардор бўласиз.



Ш.МАВЛАНОВ,
Бойсун туман прокурори
Йўлдош ПАРДА, «Huquq»

Турдибой Абдурасулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1997 йилда Г.Мустафоева билан турмуш қуриб, 2004 йилгача бирга яшаб келган. Турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлиб, ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли ажрашиб кетишган. Шундан сўнг қарамоғида қолган, 1998 йил 12 августда туғилган руҳий ногирон ўғли Абдураҳмонни 2005 йилдан 2009 йил январига қадар Шўрчи туманида фаолият кўрсатаётган 68-сонли мактаб интернатга топширган. 2009 йил 12 январь куни мактаб интернатга келиб, фарзандини Меҳрибонлик уйига жойлаштиришни айтиб, ўзининг қарамоғига қабул қилиб олган. 2009 йил 25 февралгача ўзи билан биргаликда олиб юрган. Боланинг руҳий ногиронлиги, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш имкониятидан маҳрумлиги сабабли уни парваришлаб тарбиялашдан безор бўлган. Уни Меҳрибонлик уйига олиб бориб жойлаштириш ўрнига Узун тумани Н.Рамозонов номли маҳаллада, аҳоли яшайдиган жойда адаштириб қолдириб, Денов туманига қайтиб кетган. Вояга етмаган, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум ўғли Абдураҳмоннинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирган.

Узун туман ИИБ ходимлари ўзи ва яқинлари ҳақида маълумот бера олмайдиган ожиз аҳволдаги болани туман ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда қарамоғига олиб, унга 1999 йил 16 июнь куни Узун туманида туғилган "Ҳамроев Шоҳруҳ Ахрор ўғли" номи билан 0250038 рақамли туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома бериб, Денов тумани "Хазарбоғ" қишлоғида жойлашган махсус шифохонага олиб бориб жойлаштиришган.

Унинг шахси суриштирувлар натижасида аниқланиб, 11 ёшли вояга етмаган Абдураҳмон махсус шифохонадан Шўрчи туманидаги 68-сонли мактаб интернат тарбиячиларига қайтарилган.

Абдурасулов Турдибой ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттиради. 2009 йил 28 октябрь куни тақроран Шўрчи туманида фаолият кўрсатаётган 68-сонли мактаб интернати ходимларидан "ўғлимни тарбиялайман", деган баҳонада қабул қилиб олади. 2009 йил 25 ноябрь куни соат ўн иккиларда йўловчи автобусда ўғлини Бойсун тумани "Тангимуш" маҳалласи ҳудудидаги "Оққўтон" фермер хўжалигига қарашли аҳоли яшамайдиган жойда автобусдан тушиб, кенг адирлик ичкарисига, яъни тўрт километр масофага пиёда олиб боради, сўнг сойлик ичида адаштириб, унинг орқага қайтиб кета олмаслигига ишонч ҳосил қилгач, Денов туманига яшаш жойига қайтиб кетган. Натижада 11 ёшли бола далада очлик натижасида ва совсизликдан вафот этган.

Абдурасулов Турдибой юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 117-моддаси 1-қисми ва ЖКнинг 32, 117-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир этганликда айбланиб, судга берилди.

Судланувчига нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилди. Муқаддам у жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг 2003 йил 8 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган экан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги "Амнистия тўғрисида"ги Фармонига асосан жазодан озод этилган. Жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг 2006 йил 17 июлдаги ҳукми билан эса унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилган. Жиноят ишлари бўйича Музработ тумани судининг 2006 йил 21 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилган. Жазони ўташ даврида, 2007 йил 19 ноябрдаги жиноят ишлари бўйича Узун тумани судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида ҳар ойлик ишлаб топган даромадининг 15 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тортилган. 2009 йил 24 февралдаги жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан жазонинг ўталмай қолган 9 ой 6 кундан шартли равишда озод этилганлигидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан тақроран яна қасддан жиноят содир этган.

Ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судида кўриб чиқилиб, Абдурасулов Турдибой Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 117-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбли топилиб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум этилди.

Бадбахт аёл



Акмалжон Фозилов,
Данғара туман прокурорининг ёрдамчиси

Институтда ўқиётганида, ўқишни битириб мактабда иш бошлаганида ошиқлари бисёр, бироқ у кўнглида бир сиймони ардоқлар, бошқа бировга қиё боқмас эди. У бошқа қизга уйланганида, дунё кўзига қоронғу туюлиб, ғусса дилини кемириб, адо этаёзганида ҳамқишлоғи Асилбек (исм-фамилиялари ўзгартирилди) кўнглига чироқ ёқди. Атрофида парвона бўлиб, меҳрини қозонди. Саробга айлангандай туюлган орзу-интилишларига қайта қанот бағишлади. Қишлоқда сир тутиб бўлмайди. Уларнинг ишқ-муҳаббатлари тилга тушган бўлса-да, тўйлари ортга сурилаётганидан ҳамма ҳайрон эди. Асилбек билан Асалхон қарийб беш йил бир-бирларига кўнгил қўйиб, бир-бирларини синаб юравердилар.

Улар гоҳи-гоҳи кўздан пана жойларда кўришиб туришар, эс-ҳушларидан айрилиб, ишқ оғушида қувнаб яйрашарди. Сентябрь кунларидан бирида Асалхон севгилисига хушхабар келтирди.

— Ҳомиладорман... Биров билса...

— Тўйни тезлаштирамиз, — деди Асилбек. — Ҳеч кимга билинтирмаймиз!

Сарғайган япроқлар гиламдай тўшала бошлаган куз кунларининг бирида расмий никоҳдан ўтишди. Тўйлари бўлди.

Асалхон ҳомиладорлигини билинтирмасликка тиришар, амаллаб, ишга бориб келарди. 3 март куни ишдан қайтди-ю, ҳолсизланган вужудига санчиқ кирди. Уни касалхонага ётқизишди. У ердан туғруқхонага юборишди. Келаси куни туғди-ю, дили зимистонга айланди. "Суюқоёқ экан, тўйидан кейин уч ойдаёқ туғиб қўйди. Болани кимдан орттирган Худо билади. Бузуқни қўлида ўқийдими қизларимиз. Ундан нимани ўрганишади?"

Хаёлида ҳамқишлоқларининг ер билан битта қилиб ташловчи гап-сўзлари чархпалакдай айланаверди. "Қишлоқда нима деган одам бўлдинг? Қандай бош кўтариб юрасан? Қайнона, қайнотангга қай юз билан боқасан? Ҳайдаб солишса қайга борасан?" Бири-биридан заҳарли саволлар гужғон ўйнаб, ухлай олмади. "Уни ҳеч кимга кўрсатмай, бир ёқлик қилиш керак".

Чақалоқни эмизгани олиб кирган ҳамширани кимдир чақирди. Палатада бир ўзи эди. Чақалоққа қарамай, юзини терс буриб, жажжигина оғизчаси билан бурунчасини бармоқларида маҳкам қисиб, юмиб қўйди. Жони узилганига амин бўлгач, ҳамширани чақирди... Врачлар, дўхтирлар чақалоққа қайта жон бағишлашга уриниб кўришди. Бироқ уддалай олишмади. Асалхон боласини ўз қўли билан ўлдиргани ҳақида тилхат ёзиб берди...

Терговда ва суд мажлисида бадбахт аёлнинг эри ва қайнонаси бемаврид туғилган чақалоққа ҳеч қандай эътироз билдирмаганликлари, Асалхонни айблаб тазйиқ ўтказишмаганини баён этишди. Судланувчининг ўзи ҳам буни тасдиқлади. Ўқимишли, зиёли, бутун меҳрини болаларга бахшида этиш учун ўқитувчилик касбини танлаган аёлнинг ёвуз қилмиши дилларни ларзага солди. Унга тегишли жазо тайинланди. Жазони ўтайди ҳам. Бироқ юзиқоралиқдан ва умр бўйи юрагини пармалайдиган оғриқдан халос бўлиши мушкул.

Ёвузлик элчиси

Шомурод ЭРГАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Вобкент туман суди раиси
Меҳринисо ҲУСАИНОВА, журналист

Виждонсизлар ҳамма замонда, ҳамма жойда бўлган ва топилади. Энг ёмони, улар бошқаларнинг ишончидан устамонлик билан фойдаланиб, одамлар орасига кириб оладилар ва жамиятни зимдан "маддалаш"га ҳаракат қиладилар.

Ички ишлар тизимига қарашли жазони ижро этиш колонияларидан бирида тиббиёт бўлимининг врач-фтизиатри Алишер Нуров ўтган йил апрель ойида хизмат сафари билан Тошкентга бориб келди-ю, ўзгарди-қолди. Бир қарасанг, хаёли паришон, тез-тез телефонда кимлар биландир илмоқли-илмоқли гаплашади. Охирги пайтлар эса ҳар нарсадан чўчийдиган, атрофга шубҳа билан қарайдиган бўлди. Сабаби — жиноят, ўта оғир жиноятга қўл урганди.

Тошкент "Отчопар" бозорида чой ичиб ўтирганида нотаниш бир кимса ёнидаги бўш стулга ижозат сўраб ўтирди. Гап-гапга уланиб ўзини Нодир деб таништирган йигит гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланишини айтди. Мендан биров гумонсирамайди, деб ўзига ишонган Алишер унга ҳамкорликни таклиф қилди.

Сентябрь ойининг бошларида Нодир Алишерни излаб унинг ишхонасига келди.

— "Товар" бор эди, хоҳласангиз, шу ҳақда гаплашиб олайлик.

Алишер Когон темирйўл вокзали олдидаги чойхонада учрашувни тайинлади ва кўп куттирмай етиб келди.

— "Героин" бор. 50 га 50 ташлайди, — дарҳол мақсадга ўтди Нодир. — Фойдаси ўзингиздан.

Бу гап Алишерга маъқул бўлди. Ўн кун ўтиб, улар яна шу чойхонада учрашишди. Бу гал ярим килограммча "товар" қўлдан қўлга ўтди.

— 5000 "кўк"идан берсангиз бўлди. Қолгани келишганимиздек, — ҳиммат билдирди Нодир.

Алишер шу куниёқ Бухоро шаҳрида уй-жой олди-сотдиси билан шуғулланувчи таниши Розиқнинг олдига келди. Розиқ "героин"нинг ҳар граммини 50 минг сўмдан сотиб беришини айтиб, олиб қолди. Фойдани чамалайвериб, юрагида уйғонган хавотирни унутган Алишер, Розиқ уч-тўрт кунда унинг топганига шерик бўлишини ўйлаб, "товар"ни қайтариб олди. Аммо Розиқ ҳам анойи эмасди. У ҳам "офис"и, ҳам яшаш жойи бўлган, ижарага олинган хонадо[illegible]нг ваннаси остига яширилган "омонат"дан бироз олиб қолганди.

Алишер "мол"ни Розиқдан олгач, пакетни ишхонасига олиб бориб, тиббиёт бўлими рентген трансформатори ичига яшириб қўйди. Розиқ бўлса фурсатни бой бермай, харидор излай бошлади. Тезда эски таниш[illegible]ларидан бирини топиб, яшириб қўйган "героин"дан 2 граммини 120 минг сўмга таклиф қилди.

Худди ана шу савдо "иш"нинг белига тепди. Розиқнинг яшаш ва ишлаш жойи ҳисобланган хонадонда ўтказилган тинтув чоғида ваннахона ва кроват остидан Алишернинг "омонати"дан олиб қолинган 1,7 грамм "героин" топилди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан А.Нуров ўн тўрт йилга, Р.Қудратов эса ўн уч йилга панжара ортига маҳкум этилдилар.

Энди айтинг-чи, Алишерга ўхшаганлар эмасми жамиятимизни зимдан "маддаламоқ"чи бўлганлар. Одамлар дардига малҳам бўлишдек муқаддас касб эгаси ўз виждонига хиёнат қилса... Инсониятга хиёнат, Ватанга хиёнат эмасми?! Фақат қабиҳларгина қодир бунга. Риёкор, асл башарасига ниқоб тортиб юрганлар ўз тақдирига ўзи ҳукм ўқиганлардир.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари ва меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари

Садоқат САТТАРОВА,
Тошкент вилоят адлия бошқармасининг кадрлар бўлими маслаҳатчиси

"Фуқароларнинг иш жойи, касб ёки машғулот турини эркин танлаш ҳуқуқлари, мажбурий меҳнатга ва меҳнат муносабатлари чоғида камситишнинг ҳар қандай шаклига йўл қўймаслик — Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигининг бош қоидасидир".

Фуқароларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан саналувчи меҳнат қилиш ҳуқуқларини тўла кафолатлаш ҳамда ушбу ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши учун зарур шарт-шароитларни, биринчи навбатда ташкилий ва ҳуқуқий шароитларни яратиб бериш давлатимиз ҳамда жамиятимиз олдидаги юксак вазифалар ва долзарб муаммолар қаторига киради.

Мамлакатимиз халқи учун бошқалардан кам бўлмаган, муносиб турмуш шароити яратилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатланиши ҳамда рўёбга чиқарилиши учун давлатимиз томонидан барча чоралар кўрилмоқда.

Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий, табиий ҳуқуқларидан бири — меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўла кафолатлаб қўйилган.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларига доир миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштирилган ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг деярли барча моддаларига тўла мос келади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 23-моддасида: "Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир ишчи ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга", деб белгиланган.

Айнан шу нормага мос равишда Конституциямизда меҳнат қилиш ҳуқуқи: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга"-лиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, "Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади" деб кафолатланган.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламини иш билан таъминлаш давлат томонидан қуйидагича кафолатланган:

1. Давлат аҳолининг иш билан тўла ва самарали таъминланишига кўмаклашишга, меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиб беришга масъул бўлиб:

машғулот ва иш турини эркин танланишни;

ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортиш ва ишдан асоссиз бўшатишдан муҳофаза қилишни;

касб ўрганиш ҳамда ишли бўлишда, машғулот ва меҳнат шароитларида, иш ҳақи ва даромадлар олишда, хизматда юқорига кўтарилишда барча меҳнаткашлар учун тенг имкониятларни таъминлашни;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар буюртмаларига биноан тайёрланган давлат ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларга камида 3 йилга эгаллаган касбига (мутахассислигига) яраша иш берилишини;

таълим системаси ва иш билан таъминлаш давлат хизматларининг ихтисослаштирилган марказларида ёки бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаган ҳолда янги касб-корга бепул ўргатишни, малака оширишни;

бошқа жойга ишга юбориш муносабати билан моддий харажатларни қоплашни;

одамларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун муддатли меҳнат шартномаларини тузиш имкониятини кафолатлайди.

2. Давлат идоралари ишчи кучига талаб ва таклиф, ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. касбга йўналтириш ва ижтимоий меҳнат қобилиятини тиклаш имкониятлари тўғрисида статистика маълумотлари ва ахборотлар эълон қилинишини таъминлайди.

Ушбу қонунда аҳолининг айрим тоифалари учун иш билан таъминлашнинг қўшимча кафолатлари ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра:

давлат ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлиб, иш топишда қийналадиган, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан, 14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналарга;

умумий таълим мактабларини, бошқа ўқув юртларини битирган ёшларга;

Қуролли Кучлардан, ИИВ қўшинларидан, чегара қўшинларидан, миллий хавфсизлик қўшинларидан бўшатилганларга;

ногиронларга, пенсия ёшига яқинлашиб қолган кишиларга;

қамоқдан озод қилинган ёки суд қарори билан мажбурий даволанишга юборилганларга (қуйида ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади) қўшимча иш жойлари ва ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан, ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўрганишнинг махсус дастурларини ташкил этиш йўли билан ва бошқа чоралар билан қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат қилиши, иш ҳақи билан таъминланиши, дам олиши, уларга тегишли меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат таътиллари бериш билан боғлиқ масалалар юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинган ҳамда кафолатланган. Буларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадитган шароитларда меҳнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш билан боғлиқ ҳолда соғлигига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

қариганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

Кодексда ёшлар учун қўшимча кафолатлар ҳам белгиланган. Чунки ушбу нормалар ёшларни асраб-авайлаш, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун яратилган зарур шарт-шароитлар ҳақидаги қоидалардир. Яъни, 18 ёшга тўлмаган шахсларни соғлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланган. Шунингдек, белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмаслиги, булардан ташқари меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқли эканликлари белгиланган.

Ёшлар учун тақиқланган ишлар рўйхати ва улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари билан келишган ҳолда белгилайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, бу муддат ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмаслиги кўрсатилган.

Эътибор беришимиз лозимки, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳолларда, уларнинг меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилиши ҳақидаги кафолатлари ҳам белгиланган.

Давлатимиз томонидан қўшимча иш жойлари барпо этилаётганлиги, тадбиркорлик, айниқса хусусий ва якка тадбиркорлик кенг рағбатлантирилаётганлиги ва ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимояланаётганлиги, ҳар бир оила иш билан таъминланиши, ўз тирикчилигини ўтказиши учун кўмак кўрсатиб келаётганлиги бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Фикримизнинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 3706-сонли Фармонини келтириш мумкин. Бу ҳужжат иш билан банд бўлмаган, айниқса қишлоқ жойлардаги аҳолини уйда маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ишларини бажаришга жалб этишга, қолаверса касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатлари таъминланишига кенг йўл очиб берди. Ушбу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори билан "Касаначилик тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда касаначилик соҳаси ривожланиб, Президентимиз таъбири билан айтганда: "...касаначилик бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бормоқда". Касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари белгиланган тартибда амалга оширади. Ушбу қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурор томонидан амалга оширилади.

Меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунларимиз бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада фаолиятни мувофиқлаштириш ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича қонунчилигимизнинг бевосита амалиёт билан боғлиқ равишда ривожланиб бориши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, меҳнат қонунчилигида бугунги кунда қонунни очиқ-ойдин бузиш тушунчасига батафсил таъриф берилмаган бўлиб, ушбу масала назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилиб таҳлил этилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сон қарорида меҳнат шартномасини қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда бекор қилиш ҳоллари рўйхати келтириб ўтилди.

Мазкур белгиланган ҳолатларда меҳнат шартномасини бекор қилган иш берувчи меҳнат кодекси талабларини қўпол равишда бузган ҳисобланади ва тегишлича жавобгарликка тортилиши мумкин. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш меҳнат шартномасини ўзгартириш асослари ва тартибига риоя этишнинг ҳуқуқий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Умуман олганда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ қонунчилик нормаларини фуқаролар ўртасида ҳамда меҳнат жамоаларида кенг тарғиб этиш ишларини олиб бориш лозим. Негаки, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланиши нафақат қонунчиликнинг мукаммал бўлиши ва ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг малакасига, шу билан бир қаторда ходимларнинг ўз ҳуқуқларини билишларига ҳамда ундан фойдалана олишларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Чунки фуқароларда юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш, демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўқув семинари

Шахрух ТАШНАЗАРОВ,
Департамент халқаро алоқалар бўлими катта инспектори

Шу йил 30 июнь куни Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментида муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Асосий вазифамиз — ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" деган маърузаси юзасидан ўқув семинари ташкил этилди.

Ушбу семинарда Департамент ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур семинарда Давлатимиз раҳбарининг маърузасида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини сақлаб қолишга, халқнинг турмуш фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, семинарда 2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланганлиги жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилганлиги, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Давлат герби – давлат рамзи

Рустам МАМИРОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Герб (полякча - "herb", немисча "Erbe" - "мерос" сўзидан олинган) - бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий ва тарихий характерлари ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятларини, шахс, уруғ шажараларини ифодаловчи, алоҳида рамзий белги ҳисобланади.

Гербларнинг ранги, шакллари, расмлари билан ўзаро фарқланиб, махсус қоидаларга биноан ишланади ва махсус терминлар билан тавсифланади. Герб антик даврларда ҳам мавжуд бўлиб, Шумер давлатининг гербида шер бошли бургут гавдаланган бўлса, Қадимги Рим давлати гербида бургут акс эттирилган. Айтиб ўтиш лозимки, Амир Темур давлатининг ҳам герби бўлган. Бу гербда 3 халқа тасвирланган бўлиб, бу Амир Темурнинг 3 иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳукмрон эканлигига ишора бўлган. Шунингдек, ўрта асрларда кўпгина шаҳарлар ҳам ўз гербига эга бўлган. Ғарбий Европада гербларнинг ўзига хос қоидалари ишлаб чиқилган. Герб ва унинг тарихи билан шуғулланувчи геральдика фани мавжуд бўлиб, бу унинг қонунлари асосида ўрганилади.

Давлат герби — давлат рамзларидан бири ҳисобланади. Унда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми ҳамда географик белгилари ўз ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган, гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвири бор. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — Ҳумо қуши қанотларини ёзганча турибди. Пастки қисмида эса Республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган. Шу каби, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва у билан боғлиқ тартиб-қоидалар "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун (1992 йил 2 июль)да белгилаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу қонунда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби Республика давлат мустақиллигининг рамзи эканлиги ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини ҳурмат қилишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Хоразм вилоят филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2010 йил 10 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига ДТ "Халқ банки" Хонқа тумани филиалига қарашли, Хонқа тумани Халқлар Дўстлиги кўчаси 4-уйда жойлашган, 1989 йилда қурилган, умумий ер майдони 355 кв.метр, бинолар қурилиш ости ер майдони 83,44 кв.метр бўлган, "Эски гараж ва ҳожатхона бинолари" қўйилади. Бошланғич баҳоси - 3 875 000 (уч миллион саккиз юз етмиш беш минг) сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда-ги закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" давлат корхонаси Хоразм вилоят филиалининг МФО 00580, ИНН 206761326 Урганч шаҳар ИПОТЕКА-БАНК Тинчлик филиалининг 20210000004537599008 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 3 соат олдин (9 август соат 17:00) да тўхтатилади.

Ушбу куни сотилмай қолган мулкнинг такрорий савдолари 2010 йилнинг 17-24-31-август кунлари ўтказилади.

Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин ёзма билдиришнома бериш йўли билан аризани қайтариб олиши мумкин.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумотни олиш манзили: 220100, Урганч шаҳри, Ал Хоразмий кўчаси 30-уй, 1 қават, 106-хона. Тел/факс: (8362)770-44-01, 226-84-39. **Email: info@mulk.uz**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги очиқ танлов савдосига "Олмалиқ тог-металлургия комбинати" ОАЖнинг ижтимоий соҳа объекти бўлган Олмалиқ шаҳри, Наследов кўчаси, 4-уйда жойлашган "2-қаватли Нотўрар жой биноси" қўйилади.

Объект ер участкасининг умумий майдони 0,22 гектар, бино ва иншоотларнинг қурилиш ости майдони 538,2 кв.м, фойдали майдони 788,7 кв.м.

Бошланғич баҳоси - 109 383 780,0 сўм.

Танлов савдоси шарти: - энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш; энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш; янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятини олиш; сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари биллдирилган конвертларни очиш Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда (ДМҚ биноси 1-қавати чап қанотидаги савдолар зали) 2010 йил 10 август соат 11:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Танлов савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши, тўланган закалат пули миқдори ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камини ташкил этса, етишмаётган суммани объектнинг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Талабгорлардан танлов ҳужжатларини қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин (9 август соат 17:00 да) тўхтатилади. Танлов ҳужжатлари рўйхати қуйида берилган.

Танлов ҳужжатлари, уларга тўдов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўлов амалга оширилганлиги тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пули ва танлов ҳужжатлари учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДКнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО-01041, СТИР-206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2010 йил 17, 24, 31 август кунлари соат 11:00 дан бошлаб юқоридаги шартларда ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт: танлов қатнашчисининг талабномаси; танлов ҳужжатлари, шу жумладан, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабгорга хизмат кўрсатувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим; закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва бошқалар илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали.

Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46.
Email: info@mulk.uz www.mulk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Давлат Мулки Қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда (2010 йил 5 июлдаги № 10-Па-сонли буйруғи) Ургут туманидан қуйидаги ер участкалари умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан қўйилмоқда:

1. Ургут шаҳри, "Андак" маҳалласи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 450 кв.метрдан бўлган 1 дан 430 гача рақамланган жами 430 та ер участкалари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 154 953 сўм.

2. Ургут шаҳри, "Пастки Калангар" маҳалласи ҳудудидан майдони 600 кв.метр бўлган 1 та ер участкаси. Бошланғич баҳоси 248 868 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоси 2010 йил 10 август куни соат 11:00 да Ургут шаҳри, Боғишамол маҳалласида жойлашган "Қурилиш" коллежининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Мазкур ер майдонлари 2010 йил 10 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган ер участкаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йил 17, 24, 27 августь ҳамда 7, 14, 21, 28 сентябр кунлари Давлат мулки қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг 5 қаватида сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850.МАНЗИЛ: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85 "А" уй. (8366) 233-80-56
www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004.

«Diling savdo» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156-а-уйда жойлашган "Chilonzor buyum bozori" ОАЖ балансидаги:

1. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/511 WAA бўлган Деу Магнус русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 000 000 сўм. Закалат 3200000 сўм.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 14-А уйда жойлашган "ALOQALOYIHA" DUK балансидаги:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AS 387 бўлган ГАЗ-31029 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 901 450 сўм. Закалат 180 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Хусайн Байқаро кўчаси, 92-уйда жойлашган Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси балансидаги:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AD 234 бўлган Нексия русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 445 395 сўм. Закалат 890 000 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йил 3 август куни соат 15:00 да бошланади. Сотилмаган объектлар 2010 йилнинг ҳар сешанба кунлари ўтказиладиган савдоларга сотилгунга қадар қўйилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситалари бошланғич нархининг юқорида кўрсатилган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Diling savdo" нинг АИКБ "Ипак йўли" даги МФО 00444, СТИР 301623196, 20208000904852353001 сонли ҳисоб рақамига закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан тўлайдилар.

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунга қадар тўланган закалат миқдори, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19 уй.

Телефон/факс: 244-88-04.
Электрон почта: auksion@bk.ru

Тараққиёт кафолати



/Давоми. Бошланиши 6-бетда/

Республикамизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш минг йиллик миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз асосида ривожланиб ва шаклланиб келмоқда. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бу борада чуқур ислоҳотлар амалга оширилиб, қишлоқ, овул, шаҳарча ва маҳаллаларда маҳаллий давлат органларининг кўпгина ваколатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилди ва ҳозирги кунда ҳам кейинги босқичда давлат ҳокимият органларининг айрим ваколатларини ҳам бошқариш органларига бериш бўйича тадбирлар белгиланмоқда. Бу борада Республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек, "...мақсад ва йўналишларнинг барчаси аввало мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган "Кучли давлатдан — кучли жамият сари", деган тамойилни ўзида ифода этади.

Аввалambор, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш зарур.

Яна бир муҳим вазифа — ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим. "

Албатта, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларининг доираси муайян даражада белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида"ги Қонунида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш давлат ҳокимиятидан ҳоли, мустақил равишда фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. Шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш мустақиллиги чинакам, демократик маънодаги мутлақ мустақиллик бўла олмайди. Чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ягона давлат доирасида, омма ҳокимияти муносабатлари тизимидагина мавжуд бўлади ва фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон халқининг дунёда тан олинган демократик тамойиллар асосига қурилган ҳаёт йўналишини акс эттирувчи Конституциясидаги моддалардан бири илк бор маҳаллага бағишланган бўлиб, бу модда унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берди. Маҳалла тизими ва унинг фаолияти фақат юртимизга хосдир. Бу фақаттина бизнинг мамлакатимиз ҳудудида, халқимиз тажрибасида қўлланиб келинаётган ҳаёт тарзидир. Энг қувонарлиси шундаки, минг йиллар давомида биргина бизнинг халқимизга хос бўлган маҳалла бугунги кунга келиб дунё миқёсида ўртага қўйилган демократик тамойиллар талабига ҳам тўла жавоб бермоқда. Бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатида синаб кўрилмаган янгилик ҳисобланади. Фақаттина халқ ичидаги урф-одат, анъаналар даражасида баҳоланиб келган маҳалла ҳаётининг Асосий Қонунимизга киритилишини, нисбатан ёш мамлакатимиз мустақиллигининг ҳақиқий кўринишларидан, катта ютуқларидан бири дея эътироф этиш мумкин. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эгадир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жамоат ташкилотларининг, шу жумладан, унинг мамлакатимизда энг кенг тарқалган тури бўлмиш маҳалла институтининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги, баркамол авлод камолида тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли. Хусусан, ҳозирги кундаги энг муаммоли нарса ёшларимиз билан маҳалла фуқаролар йиғини, унинг катта-кичик мутасаддиларининг узвий алоқа боғлай олмаётганлигидир. Маҳаллада муҳокама қилинаётган ҳар бир масала асосан катта ёшдагилар иштирокида бўлади. Ҳатто ёшларнинг ўзига оид масалалар ҳам ана шундай иштирокчилар билан муҳокама этилади. Аммо амалиёт шуни кўрсатадики, ёшларимизнинг ўзи ҳали маҳалла теварагида жипслашмаган.

Мамлакатимизда аҳолининг 64 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим:

— ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимида аёл маданиятига эътибор қаратиш;

— ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида узлуксиз ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

— ёшларни ҳар томонлама камол топтириш учун маҳаллалар қошида "Оила ва жамоатчилик кенгашлари"ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кенгашларнинг асосий фаолият йўналишлари сифатида ёшларнинг ҳаётдаги ўринларини тўғри белгилаб олишлари учун уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда камтарлик, олийжаноблик, кишиларга ғамхўрлик, меҳр-мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантириш;

— ёшларни иқтисодиётнинг барча соҳаларида муносиб ўрин эгаллашига, тарбиянинг янги шакллари, услубларини амалга оширишда педагог ходимлар, ўқувчилар, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш;

— тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ҳунар ўргатишни ташкил этиш, ёшлар тарбиясида жамоатчилик фаолларининг таъсирчанлигини кучайтириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш;

— ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, маҳаллада яшовчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан тарбияси оғир болаларни оталикка олиш, уларга ёрдам бериш, уларнинг ота-оналарини кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиш;

— ҳар бир хонадондаги ўқишдан четда қолган, ўқимай, ишламай юрган, балоғат ёшига етган болаларни ҳисобга олиш, уларга нисбатан зарур чоралар кўриш;

— ибратли оилаларнинг ёшлар тарбиясида қўлга киритган ютуқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантириш ва бошқалар.

Мамлакатимиз ташлаётган ҳар бир қадам, амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида баркамол авлод орзуси мужассам. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, ақлу заковати, жисмоний ва маънавий камолот, ҳаракат ва интилишлари эзгу мақсадларининг бош омилидир.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жамиятимизнинг ҳар томонлама, яъни ҳуқуқий, ижтимоий, маърифий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши ўз ўрнида маҳалла ва оилалар тинчлиги, мамлакат тараққиёти ва энг асосийси ёшларнинг ҳар томонлама етук, эртанги куннинг ҳақиқий эгалари бўлиб етишишларига замин яратади.

Тенг ҳуқуқлилик

Жорий йилнинг 29 июнь куни Республика болалар ижтимоий мослашув марказида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари билан ҳамкорликда "Аёллар ва эркаклар имкониятларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш: халқаро тажриба" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Юртимизда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг-ҳуқуқлилиги, уларга белгиланган имтиёзлар, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кўплаб чора-тадбирлар алоҳида эътирофга молик десак, муболаға бўлмайди. Конституциямизнинг 46-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар деб мустаҳкамланганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда "Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида"ги ва "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча имтиёз бериш мақсадида 1999 йилнинг "Аёллар йили", 2001 йилнинг "Она ва бола йили" деб эълон қилиниши ҳам ўз навбатида юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эътиборнинг яққол ифодасидир.

Конференцияда сўзга чиққанлар, аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, аёлларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун янада зарурий шарт-шароитлар яратиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шундан сўнг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференцияда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз



Эътибор ва эътироф

Меҳнаткаш халқимиз орасида машаққатли меҳнатлари эвазига қадр ва эъзоз топганлар жуда кўп.

Прокуратура фахрийси, 40 йилдан ортиқ умрини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга, адолатни қарор топтиришга бағишлаган Ҳусанбек Абсаров ҳам меҳнати туфайли қадр топганлардан. У киши бугун табаррук 85 ёшни қаршиламоқда.

Ҳусанбек ака Фарғона ва Андижон вилоятининг туман ва шаҳар прокуратураларида терговчи, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, катта терговчи, бўлим бошлиғи, туман прокурори, Кўқон ҳамда Марғилон шаҳар прокурорлари лавозимларида хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Меҳнат фаолияти даврида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди. Меҳнатсеварлиги, самимийлиги, бурчига садоқати ва фидойилиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Ҳусанбек аканинг кўп йиллик самарали хизматлари эътибор ва эътирофсиз қолмади. Унинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Шарафли меҳнатлари учун" медали билан тақдирланди.

Ҳусанбек ака айни пайтда невара ва чевaралар даврасида қарилик гаштини сурмоқда.

Ҳурматли Ҳусанбек ака, сизни қутлуғ 85 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази прокуратура фахрийси Эгамберди Ҳакимовга турмуш ўртоғи **Раънохон ҲАКИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази прокуратура фахрийси Давид Непомнящийга турмуш ўртоғи **Светлана НЕПОМНЯЩАЯ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Чилонзор туман прокурори Азиз Ҳакимовга волидаи муҳтарамаси **Раънохон аяси**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Шайхонтоҳур туман прокуратураси терговчиси Илҳом Таировга падари бузруквори **Баҳром ота**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради

Huquq yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
[1] — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-9741. 18 520 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: B.NAZAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231

ISSN 2010-7617

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9